

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

Qo'lyozma huquqida

MO'MINOVA MANZURANING

“MORFOLOGIK ZIDLANISHLARNING MO'TADILLASHUVI”

Ixtisoslik: 5A 111201- “O'zbek tili va adabiyoti”

Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan

DISSERTATSIYA

Ilmiy rahbar:

f.f.n.dots Nurmonova D.A.

Andijon - 2015

МУНДАРИЖА:

Кириш.	2-7
1. Отларда мўътадиллашув	8-31
1.1.Отнинг котегиориал шакллари ўртасида зидланишларнинг мўътадиллашуви.....	8-23
1.2. Отнинг функционал форма шакллари доирасидаги зидларнишларнинг мўътадиллашув	24-30
2. Олмош туркуми доирасида зидланишларнинг мўътадиллашув.	31-43
2.1. Кишилик олмошларига ҳос мўътадиллашув ҳодисасининг тилда воқеланиши.....	31-38
2.2. Кишилик олмошлари ўрнида қўлланилувчи мустақил сўзларнинг мўътадиллашуви.....	39-43
3. Феъл шаклларида зидланишларнинг мўътадиллашув.....	44-
3.1. Феълларнинг замон ва шахс-сон шакллари доирасида мўътадиллашув ҳодисаси.....	44-61
3.2. Феълнинг инкор шакли мазмунида мўътадиллашув.....	62-70
Хулоса.....	71-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75-75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда барча соҳалар қаторида тилшунослик ҳам тараққий этиб бормоқда. Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий - маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир.¹

Тилга система сифатида ёндашиш ўз ечимини кутаётган кўплаб назарий масалаларга катта йўл очди. Ф.де Соссюрнинг тилга тизим, система деб қараши, тилни алоҳида қисмлардан ташкил топган бутунлик, яхлит ўзи бир умумлашма сифатида қайд этилиши тилшуносликда катта бурилиш ясади ва шу соҳанинг тараққий этишига ўз таъсирини кўрсатди.

Тил ҳаммавақт ривожланишда, юксалишда бўлган. Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизнинг олий бойлиги бўлган халқ абадий кадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган.² Бу салоҳиятни юзага чиқариш халқ олдида турган буюк вазифалардан биридир.

Тилни нутқ жараёнида , нутқ жараёнидан ажратмаган ҳолда тадқиқ этиш тилшуносликнинг бир қанча йўналишларига кенг йўл очади. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланилиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.³ “Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилиқни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар топтиришдек улуғ орзу – умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин

¹ И. Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: «Маънавият» 2008 йил 83-бет

² И.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 2003 йил 230-бет

³ И. Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: «Маънавият» 2008 йил 86-бет

эмас.”¹ – деб таъкидлайди президентимиз. Бугунги кунда тилшуносликда лингвокултурологик, лингвопоэтик, социолингвистик ва этнолингвистик йўналишларда илмий-назарий масаларнинг таҳлил этилаётгани ҳам шу соҳанинг тараққиётини белгилайди.

Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклу-шамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, айнан қайси шаклу- шамойилни танлаш , мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ.²

Тилга тизимли ёндашув жуда кўплаб ўз ечимини топа олмаган масалаларни бартараф этишга йўл очди. Истиқлол йиллари давомида тилшуносликнинг барча йўналишларида тизимлилик асосида олиб борилган тадқиқотлар майдонга келди. Бунинг натижасида ўзбек тилининг назарий фонетикаси, назарий лексикологияси, назарий грамматикаси юзасидан илмий-назарий адабиётлар яратилди. Лекин шунга қарамай, унда ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина. Масалан, морфологик birlikлар ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви масаласига етарли даражада эътибор қаратилгани йўқ. Ушбу масалани илмий асосда тўла очиб бериш бугунги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ишнинг мавзуси долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Тил назариясида зидланишларнинг мўътадиллашуви масаласи атрофлича ўрганилган. Хусусан, ўзбек тилшунослигида Дилфузахон Нурмонова ўзининг номзодлик диссертациясида фонологик зидланишларнинг мўътадиллашуви масаласига назарий ва амалий жиҳатдан ёндашилиб, илмий хулосалар берилган. Лекин морфологик зидланишларнинг мўътадиллашув ҳодисаси ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир. Тўғри, бу соҳада ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Ширин Содиқова “Аффиксоидлар ёрдамида ҳурмат маъносининг ифодаланиши” номли илмий мақоласида отларнинг

¹ И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.; “Ўзбекстон” 1995 йил 54-бет

² Н.Маҳмудов. Тил.»Ёзувчи» 1998 йил 4-бет

функционал шаклларини ҳосил қилувчи аффиксоидларни мазмуний турлари ҳақида илмий фикрларни эътироф этади. Асосан, ҳурмат маъносини ифодаловчи шаклларга эътиборини қаратиб, бу шакллар ҳурматсизлик, ўзини камтарона тутиш каби мазмуний ифодаларда қўлланилиши мумкинлигини илмий асослаб беради. Бу шаклларнинг киноя, пичинг маънолари ҳақида сўз бормаган. Феруз Сафаров илмий қарашларида ҳам, отнинг сон шакллари билан боғлиқ мўътадиллашув ҳодисаси ўрганилган. Кўплик шаклнинг ҳурматлаш, жамлик, маънони кучайтириш каби функционал мазмунларга эга бўлиши тўғрисида назарий фикрлар берилган. Шунини таъкидлаш керакки, кўплик шаклининг кесатик, киноя маъноларини ҳам ифодалаши ҳақида сўз бормаган. Бундан ташқари, Ж. Ҳамдамов илмий тадқиқотларида олмошлар билан боғлиқ нейтраллашув ҳодисаси ҳақида илмий хулосалар берган бўлса ҳам, олмошлар ўрнида қўлланилувчи мустақил сўзларни иккинчи шахс кишилиқ олмошлари ўрнида қўлланилиши мумкинлиги ҳақида сўз бормаган. Бу масалаларни изчил ўрганиш, оммалаштириш тилшунослигимизнинг асосий вазифасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда ушбу тадқиқот ишиммизда сўз шакллар билан боғлиқ нейтраллашув ҳодисаси танланганлиги тасодифий эмас. Ушбу мавзу муайян масалалар ечимига бағишланган бўлиб, маълум хулосалар қилишга имкон беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: морфологик бирликлар ўртасидагизидланишлар, уларнинг турлари, мўътадиллашуви мўътадиллаштирувчи ҳодисаларни аниқлаш ишнинг мақсадини ташкил этади. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган:

- келишиқ парадигмаси аъзолари ўртасидаги зидланишлар ва уларнинг мўътадиллашувини ёритиш;
- отларнинг функционал шаклларини ҳосил қилувчи парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашувини ёритиш;

- отларнинг бирлик ва кўплик шакллари ўртасидаги зидланишлар ва уларнинг мўътадиллашувини аниқлаш;
- сон парадигмаси аъзолари ўртасидаги зидланишлар ва уларнинг мўътадиллашувини ёритиш;
- феълнинг тасдиқ-инкор формасида зидланишларнинг мўътадиллашувини ёритиш;
- феълнинг замон шакллари формасида зидланишларнинг мўътадиллашувини ёритиш;
- олмош туркуми ва уларнинг ўрнида қўлланилиши мумкин бўлган мустақил сўзлар доирасида зидланишларнинг мўътадиллашувини ёритиш;

Тадқиқот объекти ва предмети: морфологик шакллар тадқиқотнинг объектини ташкил этади. Тил сатҳлари бўйича сатҳ бирликларининг зидланиши ва уларнинг мўътадиллашуви бўйича қилинган илмий-назарий ишлар, мақола ва тезислар бадиий матнлар, сўзлашув услубига хос кузатув натижалари.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Диссертацияни тайёрлашда фалсафа ва мантиқнинг борлиқни билишнинг умумий қонуниятларига, тилшуносликнинг шу давргача эришган ютуқларига таянилди. Тил назариясининг етук тадқиқотчилари, А. Нурмонов, Ҳ. Неъматов, Н.Маҳмудов, У. Рахимов, Д.Набиева, Д.Нурмонова, Ш. Содиқова, О. Сафаров, Ж. Ҳамдамовларнинг илмий-назарий таҳлиллари, хулосаларига асосланган. Тадқиқот ишида психологик, социал, герменевтик таҳлиллار қўлланилди. Қиёслаш, таҳлил қилиш, кузатиш, дистрибуция усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини илмий жиҳатдан янгилик даражаси: морфологик сатҳ бирликлари ўртасидаги зидланишлар ва уларнинг мўътадиллашуви масаласи ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилмаган. Айримлари ҳақида назарий фикрлар берилган бўлса

хам, амалий томондан зоҳланиши фан тараққиёти учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Ушбу тадқиқот шу муаммога бағишланган дастлабки ишлардан бири саналади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларидан ўзбек тилининг морфологиясини ўрганишда, сўз шакллари таҳлилида кенг фойдаланиш мумкин.

Мазкур тадқиқот ишининг материал ва хулосаларидан:

- коллежва лицейларда махсус курс ва махсус семинар ўтказишда;
- ўрта мактаб дарсликларига ёрдамчи материал сифатида фойдаланишда;
- олий ўқув юрти филология факультетидаги тўғаракларда маъруза қилишда;
- прагматик йўналишдаги илмий тадқиқотлада материаллар қаторида;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертациянинг асосий таҳлиллари, фараз ва хулосалари, илмий натижалар “Илмий тадқиқот методологияси” фанининг семинар ва амалий машғулотларида, Андижон давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицей биринчи ва иккинчи босқич талабаларининг ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида тадбиқ қилинди.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертациясининг асосий натижалари Андижон давлат университети Тилшунослик кафедрасининг йиғилишида муҳокамадан ўтган. Кафедрада ташкил этилган ички ҳимояда ижобий баҳоланган. Диссертацион ишга Фарғона давлат университети Тилшунослик кафедраси профессори ижобий хулоса берган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мавзу юзасидан “Илмий хабарнома” журналида, “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги Халқаро анжуманда, Андижон давлат университетида Муҳаммад Юсув ижодига бағишлаб ўтказилган анжуманда, Андижон давлат университетида Зулфия ижодига бағишлаб ўтказилган анжуманда, Андижон давлат университети тилшунослик кафедрасида

ўтказилган илмий семинар материалларида, шу олийгоҳнинг илмий бўлими ташаббуси билан “XXI аср - интеллектуал салоҳиятл ёшлар асри” шиори остида ўтказилган илмий анжуман материаллари орасида, жами еттита мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, ҳар бири иккитадан фаслга ажратилган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

МОРФОЛОГИК ЗИДЛАНИШЛАРНИНГ МЎЪТАДИЛЛАШУВИ

1.ЛИНГВИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ МАЪНО ФАРҚЛАНИШИГА КЎРА ЗИДЛАНИШИ

1.1. От туркуми доирасида зидланишларнинг мўътадиллашуви

Тилга система сифатида ёндашиш ўз ечимини кутаётган кўплаб назарий масалаларга катта йўл очди. Ф.де Соссюрнинг тилга тизим, система деб қараши, тилни алоҳида қисмлардан ташкил топган бутунлик, яхлит ўзи бир умумлашма сифатида қайд этилиши тилшуносликда катта бурилиш ясади ва шу соҳанинг тараққий этишига ўз таъсирини кўрсатди.

Маълумки, лингвистик сатҳ бирликлар бир-бири билан парадигматик муносабатда бўлади. Ҳар қайси парадигма азолари муайян бирлаштирувчи семага эга бўлиш билан бирга, ўзаро фарқловчи семага ҳам эга бўлади. Ана шу фарқловчи семалар парадигма аъзоларининг ўзаро зидланиши учун асос бўлувчи белги саналади.

Системавий тилшуносликда парадигма аъзоларининг ана шундай фарқловчи семалар асосида зидланишини белгилаш марказий ўринни эгаллайди. Чунки лингвистик бирликларни маълум синфларга бирлаштириш қанчалик муҳим бўлса, синф аъзоларини бир-бирига зидлаш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Синфларга бирлаштиришда лингвистик бирлик мазмуний мундарижасидаги бирлаштирувчи сема хизмат қилса, бир-биридан ажратишда фарқловчи сема асосий роль ўйнайди. Шунинг учун системавий тилшунослик асосчилари зидланиш тушунчасига катта эътибор бериб тилда зидланишдан бошқа ҳеч нарча йўқлигини таъкидлайдилар.¹

Тил назариясида зидланишнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар турли усуллар асосида тасниф қилинади. Бир парадигмани ташкил этувчи лингвистик бирликларнинг маъно фарқланишига кўра зидланишлар **доимий ва мўътадил** турларга ажратилади.

“Зидланишлар турли томонларига кўра тасниф қилинади. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш хусусиятига кўра зидланиши доимий ва мўътадиллашган турларга ажратилади. Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, доимий, сақлаб қолмаса, мўътадиллашган бўлади”.²

Зидланишларнинг бундай таснифи учун тил системасининг конкрет шароитда юзага чиқишида уларнинг функциялашувига асосланиш мумкин ва бунда “система-функция” тамойилига амал қилинади.

Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, доимий зидланиш, аксинча, сақлаб қолмаса мўътадиллашган зидланиш саналади.³

Мўътадиллашув жараёни тилнинг барча сатҳлари учун тенг кимматлидир. Жумладан, бирлик ва кўplik морфемалари ўртасидаги зидланиш ҳурматлаш, эркалаш, маънони кучайтириш, умумийлик, фараз, кесатик каби маъноларни ифодалаганда мўътадиллашади.

Тилни нутқ жараёнида, нутқ жараёнидан ажратмаган ҳолда тадқиқ этиш тилшуносликнинг бир қанча йўналишларига кенг йўл очади. Бугунги кунда тилшуносликда лингвокултурологик, лингвопоэтик, социолингвистик ва этнолингвистик йўналишларда илмий-назарий масаларнинг таҳлил этилаётгани ҳам шу соҳанинг тараққиётини белгилайди.

Маълум бир нутқий вазиятда ўзаро зидланишда бўлган лисоний бирликлар ўртасидаги зидланишга асос бўлган белгилар силлиқланиши мумкин. Яъни зиддиятда турган икки белги ўртасида айниятлик вужудга келади. Бундай ҳодиса тилшуносликда мўътадиллашув ёки нейтрализация ҳодисаси дейилади.

¹ А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 24-бет

² Нурмонов А. Танланган асарлар- III жилд . Академнашр, 2012 й. 138-139 бет

³ А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 25-бет

Мўътадиллашув ҳодисаси тилнинг барча сатхлари учун хос бўлган универсал ҳодисадир. Бу ҳақида Д.Нурмонованинг **ўзбек тили фонологик бирликлари ўртасидаги зиддиятларнинг мўътадиллашувини тадқиқ этишга бағишланган номзодлик диссертациясида** ҳам фикрлар билдирилган¹. Ўзбек тилшунослигида мўътадиллашув ҳодисаси бир қатор тадқиқотларда ўз ифодасини топган². Лекин шунга қарамай, фонологик сатхдан юқори сатх бирликлари ўртасидаги зиддиятлар мўътадиллашуви масаласи ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Ушбу мақолада мўътадиллашув ҳодисасининг морфологик сатхда акс этишини от ва феъл сўз туркумлари мисолида ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Тилнинг асосий вазифаларидан бири коммуникативликдир. Тилнинг воқеланиш шакли нутқдир. Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклушамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, айнан қайси шаклушамойилни танлаш, мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ.³

Бадиий матнларда ижодкор ўз услуби, ўзигагина хос йўл билан бадиий сўзни шакллантиради. Тил элементлари бадиий нутқда воқеъаланади. Лекин оддийгина воқеъаланиб қолмай, тил элементлари янгидан-янги мазмун-моҳиятга, тил ҳодисаларининг номаълум бўлган қирраларини очилишига ёрдам беради.

Ўзбек тилида келишиклар муайян нутқий қўлланишда зидланиш учун асос бўлган фарқловчи белгисини йўқотиб мўътадиллашади. Нутқий жараёнда қаратқич ҳамда тушум келишиги деярли фарқланмайди.

*Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўз ёши самони,
Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

¹ Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви (монография) Т.: 1998 й

² Нурмонов А. Танланган асарлар-II-III жилд Академнашр, 2012 й.

³ Н.Маҳмудов. Тил.»Ёзувчи» 1998 йил 4-бет

(Муҳаммад Юсуф)

Мазкур парчада келтирилган қаратқич келишиги шакли яширин ҳолда қўлланилган. Қаратқич келишиги қўшимчасининг бундай қўлланилиши ўртасида маъно фарқланиш кузатилмайди.

Лочин кўкда нетар, кўзи ўтмаса,

Синдир қаламингни, сўзи ўтмаса.

Ватан десанг, ўпканг тўлиб кетмаса,

Шеър ёзишга бало борми, биродар!..

(Муҳаммад Юсуф)

Бу ерда ҳам қаратқич келишиги ўрнида тушум, тушум келишиги ўрнида бош келишик қўлланилмоқда. Бундай шакллари келишик парадигмасининг мўътадиллашуви сифатида қараш мумкин. Масалан, *китобтобнинг жилди, китоб жилди* бирикмаларида маъно нозикликлари кузатилади. Биринчи шаклда нарсанинг (предмет) аниқлиги, шу нарсага қарашлилиқ ёки таъкид маъноси англашилса, иккинчи ҳолатда умуман (мавҳум) китоб жилди тушунилади. Ҳудди шундай фарқланишни бош, тушум, жўналиш ҳамда ўрин-пайт келишиги қўшимчалари мисолида ҳам кузатиш мумкин. *Хат ёзмоқ, хатни ёзмоқ, хатга ёзмоқ, хатда ёзмоқ* бирикмалари. Биринчи шаклда умуман хат ёзиш, тушум келишигини олган қисмда эса, аниқ объект устида ҳаракат бажарилганлиги ифодаланади. Жўналиш келишиги шаклини олган бирикмада ҳаракат айна вақтда, айна лаҳзада бажарилаётганлигини ифодаласа, ўрин-пайт келишиги қўшимчаси билан ифодаланган бирикмада ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган вақтдан олдин ёки кейин бажарилганлиги ифодаланади.

Нутқий жараёнда жўналиш ҳамда ўрин-пайт келишиги қўшимчалари нейтрализацияга учраши мумкин. Масалан, *Машинадан университетга тушмоқ* ёки *Машинадан университетда тушмоқ*. Яна тушум ҳамда ўрин-пайт келишиги шакллари, *Карим ҳар тонг боғда сайр қилади; Карим ҳар тонг боғни сайр қилади* каби. Мазкур парадигма аъзоларининг фарқловчи белгиларини йўқотиши, бир мазмуний типни ҳосил қилиши мўътадиллашув

ходисасидир. Зеро, фонологик сатҳда фонемалар зидланиши ва мўътадиллашуви ҳақида Москва фонологик мактаби вакиллари таъкидлаганларидек, “...бир белги асосида оппозицияга киришган фонемаларнинг шу белги учун кучсиз позицияда оппозициянинг йўқолиши, яъни икки фонеманинг бир вариантга мувофиқлашуви – нейтрализация ҳақидаги таълимотдир.”¹- бу хусусият аини келишик категориясига ҳам хосдир.

Бадий матнларда ижодкор ўз услуби, ўзигагина хос йўл билан бадий сўзни шакллантиради. Biz kundalik muloqotda ishlatib yurganimiz odatiy so'zlardan badiiy so'z o'sib chiqadi. So'zning bevosita, odatiy ma'nosi badiiy asar matnida yangidan-yangi qirralarini namoyon qiladi.²

Ўзбек адабиётини нафис туйғуларни куйлаб, нафис мисралар билан бойитган ижодкорлардан бири Зулфиядир. Зулфия асарларининг тил хусусиятларини таҳлилга тортиш шоиранинг сўз қўллаш маҳорати, ўзигагина хос бўлган оригинал усул ва йўлларни аниқлашга ёрдам беради. Зулфия янгидан кашф этилади. Шоиранинг кўплаб мисраларида отларнинг келишик парадигмаси билан боғлиқ бўлган нейтрализация ҳодисаси кузатилади. Масалан,

Бугдойларинг мавжин туш кўриб,

Уҳлаб ётган ерлар чорлайди.

Мисрада келишик парадигмаси билан боғлиқ қизиқ ҳолат бор. Шу ўринда *мавж* сўзининг изоҳли маъносига эътибор бериш керак. Чунки асарни ўқувчи икки хил тушуниши мумкин; мавжини *туш кўриб*, *мавжин туш кўриб* каби. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўзнинг қуйидаги маънолари қайд этилган.

1. Сув юзининг жимир-жимир ҳаракати : *Рави дарёси узоқда, кўм-кўк мавж билан, секин оқади. (Ойбек)*

¹ Нурмонов А, Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси Т. Фан 2008 й 54 бет

² D.Quronov. Адабиётшуносликка кириш . Toshkent 2004 –йил, 73- бет

2. Товланиш, жилва: *Арчаларнинг тоза, яшил мавжи нур билан ярқираб кетди. (Ойбек)*

3. Тўлқин (кам қўлланилади)¹

Шоира мисрасидаги *мавж – товланиш, жилва*. Демак, сатрлар тубандагича...

Бугдойларингнинг мавжини тушида кўриб,

Уҳлаб ётган ерлар чорлайди.

Қаратқич келишиги белгисиз қўлланилган, қаралмиш таркибидаги эгалик аффиксидан унинг қаратқич келишигида эканини англаш мумкин. Бу тил меъёрида. Тил назариясида бу келишик белгисиз қўлланилиши мумкинлиги илмий асосланган, лекин уларнинг маъно қиррасида фарқланиш кузатилади. *Китобнинг жилди*- аниқ, кўриб турилган предмет, *китоб жилди*- мавҳум, қандайдир, қайсидир предметга қарашли бўлган. Шоира сатрларидаги ҳолатни мавҳум тушунча санаб бўлмайди. *Сенинг бугдойинг, сенинг бугдойингнинг мавжи* шаклидаги бирикма. Ижодкор кенгайган бирикмани яхлитлаштириб, вазн талабларига мос тарзда ўзгартирадики, бу нутқнинг ғализланишини ҳам олдини олади. Адабиётшуносликда сўз такрори, бўғин ёки товушларнинг айнан такрори билан боғлиқ шеърий санъат турлари мавжуд, лекин ижодкор қаратқич келишиги шаклидаги отни белгили тарзида ифодаласа, ўқувчига бўлган тилнинг эстетик таъсири қуйи поғонага тушган бўларди. Боиси шундаки, китобхон тафаккурида бадий нутқнинг кимга қаратилаётганлиги равшан бўлиб туради, шунинг учун *сенинг бугдойинг* тарзида тушунапмиз. Бир ўриннинг ўзида ҳам қаратқич ҳам қаралмиш сўзнинг белгили ифодаланиши, албатта, нутқни ғализлаштиради. Ижодкор қаралмишни белгисиз қўллаб шуни олдини олади. Бу ҳодисани морфологик зидланишларнинг мўъталиллашуви деб белгилаб бўлмайди. Чунки белгисиз ифодаланса-да, ўз мавқеъини қарашлилиқ маъносини сақлайди. Ўрин-пайт келиши шаклидаги от ўрнида бош келишик шаклидаги отнинг келтирилиши

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили”, Москва 1981-й 437-бет

нейтрализация ҳодисаси саналади. *Тушида кўриб* шаклидаги бирикмани, *туш кўриб* деб ифодалайди. Ўрин-пайт келишиги шаклидаги от аниқликни ифодалайди, лекин бир вақтда рўй берган ҳодиса. Шу келишик ўрнида бош келишик шаклининг берилиши эса давомли ҳодиса. Бир неча маротаба ўз тушларида кўрганлиги ҳақида қўшимча семаларга эга бўлади. Моҳиятан, бош келишик шаклидаги от функционал нуқтаи назардан оғирроқ юк ташийди. Муайян нутқ жараёнидагина, ижодкор руҳий кечинмалари таъсирида ўрин-пайт келиши ўз ўрнини бош келишик шалига алмаштиради. Бў эса нейтрализация саналади. Яна шундай типдаги мисраларидан бири...

Нари кетган саринг дил ҳар дам,

Интилмоқда кўпроқ сентараф.

Сентараф, аслида, сенинг тарафингга, сен томонга, сен қаерда бўлсанг ўша жойга каби қатор мазмуний тўдалар инварианти сифатида берилган. Бундан ташқари, *кўпроқ сентараф* дейилиши *дилим сени дейди, сени дилим қумсайди, соғинади* каби мазмуний ифодаларни ҳам келтириб чиқариш мумкин. Бунинг учун эса *сенинг тараф* бирикмасини изофага монанд *сентараф* деб берилиши ёрдам беради. Агар изофа ажратилса, *сен тараф* яъни қаратқич келишиги шаклидаги олмош, бош келишик шаклида қўлланилгани маълум бўлади. Демак, бир парадигмага мансуб бўлган бирликлар ўз фарқловчи белгиларини муайян вазиятларда ёқотиб, мўътадиллашади.

Олча гули баргидай,

Ўйнаб учиб ёғар қор...

Ажаб, қорга қарайман,

Кўзимда яшнар баҳор.

Бандда ҳам нейтрализация ҳодисаси кузатилади. *Олча гули- олчанинг гули*. Қаралмиш таркибидаги эгалик аффикси ўзидан олдин қаратқич келиши шаклидаги отни талаб қилади. От белгисиз, бош келишик шаклида қўлланилган. Уларнинг маъно қиррасида фарқли нуқтани кўриш мумкин. *Олча гули-* қайсидир, қаердадир мавжуд бўлган дарахтнинг гули, *олчанинг*

гули - аниқ, қаердалиги маълум ва таниш бўлган дарахт гули. Бу билан Зулфия ўзи учун мавҳум бўлган тушунча ҳақида мисра битган деб бўлмайди. Шеърни ўқиган ўқувчи ўз тафаккурида мавжуд бўлган олчани тушунади. Демак, шеърни қанча китобхон ўқиса, шунча хил олча гули. Қаратқич келиши ўрнида бош келишикнинг берилиши лирик қахрамон ижодий нияти учун енг қулай усулдир. Шу билан бирга вазн талаби билан ижодкор шу шуклни танлайдики, бу ўзининг муносиб белгисини топади.

Яна шундай сатрлардан бири,

...Мен учун ҳаёт,

...Сўнгсиз азоб-ғам.

...Рухимдаги нур –

Бу дунёда сенинг севгинг борлиги

(Зебо Мирзо)

Банднинг сўнги мисрасида сенинг севгинг, севгинг борлиги бирикмалари келтирилган. Бу бирикмалар ҳам қаратқич ва қаралмиш бир ва тўлдирувчили сўзлардан тузилган. Чунки, мисрадан англашиладиган мазмун: менинг руҳимдаги нур бу дунёда сенинг севгингни борлигига. Сенинг севгинг – севгининг эси аниқ, у, ўзга инсон. Нима учун ижодкорни тушум келишиги шаклидаги от ўрнида бош келишик шаклидаги отни танлайди. Буни ечимини топиш учун банддаги маъно қирраларига (сема) эътибор қаратиш керак бўлади. Банддаги образлар ошиқ маъшуқа. Маъшуқа ўз ёридан фурқатда. Шунинг учун бу дунё энди унга сўнги йўқ бўлган азоб- ғам. Маъшуқа руҳида нур мавжудки, бу нур ўз маҳбуби муҳаббатининг борлиги учун. Кимга қаратилган муҳаббат бу. Маъшуқага эмас ҳар ҳолда. Агар маъшуқага қаратилган бўлса эди, дунё у учун азобга айланмаган бўлар эди. Ёр муҳаббати ҳаётга, яшашга, эҳтимол, ўзга маҳбубага қаратилган. Маъшуқа эса ўз маҳбубини шу қадар севадики, ёр севгиси унга қаратилмаган бўлса ҳам, шу ёр борлиги учун, унинг ўзгага бўлсада муҳаббати борлиги учун яшайди. Рухида нур мавжуд. Шу боис ҳам ижодкор тушим келишиги ўрнида бош келишик шаклини қўллайди. Тушум келишиги шаклидаги от ўрнида

бош келишикдаги от келтирилиб, сўз англатадиган маънога таъсир этади. Бу ҳам мўътадиллашув саналади.

*Руҳим эшигини очик қолдириб,
Кўнгил кириб келди
ненидир сезиб. (Зебо Мирзо)*

Мисрада ҳам мўътадиллашув ҳодисаси бор. Менинг руҳимнинг эшигини очик қолдириб, дейилмоқда. Инсон руҳи жисмда яшайди. Уни фақатгина жисм абадий уйкуга кетандагина кўриш мумкин. Демак, ижодкор ҳам ўз руҳини кўрмаган, мавҳум тушунча. Мавҳум бўлгани учун ҳам қаратқичли от ўрнида бош келишик шаклидаги от келтирилган. Яна шундай ҳолат ижодкорнинг қуйидаги мисрасида ҳам кузатилган.

Сизмай ўлди, ишқим ҳаёли.

Қандай ишқнинг ҳаёли эканлиги номаълум. Умумун қандайдир ишқ ҳақида, ёки бу ушқ тасаввур этадиган даражада эмас. Улкан муҳаббат. Шунинг учун ҳам қаратқич келишиги белгисиз қўлланилиб, бош келишик шаклига айлантирилган. Яна шу типдаги шеърларидан бири

*Сенинг голиблигинг
Ва менинг зорим...
Ва яна хорлигим, хорлигим учун.*

*Май,
Худо,
Муҳаббат...
Ва қатлим дори –
Бор азобларингга борлигим учун!*

Қатлим *дори*га эътибор қаратамиз. Аслида қатлимнинг дори шаклида бўлиши керак. Ёр ғолиб, қайси маънода ўз ошиғини хору зор қилиб ғолиб. Зор бўлган ошиқ хорликка учраган. Аммо ошиқ қалбида май- тасаввуф адабиётида иймон рамзи, ХУДО- маъшуқа, муҳаббат- Худога бўлган туйғу. Демак, ошиқ қалбида илоҳий ишқ мавжуд. Илоҳий ишқ кишиси тезроқ Оллоҳ жамолига

етишиш илинжида. Ошиқни хору зор қилган илоҳий ишқми? Йўқ. Ошиқ бу илоҳий ишқ кишисига айланишдан илгари дунёвий ишқ қурбони бўлган. Ўзини ўлиб бўлгандек тутати ижодкор. Қатл дори аниқ, мавжуд. Лекин унга қандай осилиши мавҳум. Шу боис ҳам ижодкор қаратқич келишиги ўрнида бош келишик шаклини танлайди.

*Бунда саодатдир, бунда ҳаловат,
Миноралар ўқийди жимгина оят.
Турар кулоҳ кийган валийлар мисол
Дорус-саодату, дорус –тиловат,
Шайх шамсиддин кулол берган дуосан –
Қашиқаларёсан.*

(Зебо Мирзо)

Бандда ўрин-пайт келишиги билан боғлиқ бўлган ноодатий шакл ҳодисасини кузатиш мумкин. “*Бунда саодатдир, бунда ҳаловат*”,- мисраларидаги кўрсатиш олмоши таркибида ўрн-пайт келишиги қўшимчаси қўлланилган. *Бунда* сўздан англашиладиган маъно нозикликларини аниқлаб олсак.

1.*Бунда барчаси қайд этилган* (оғзаки нутқ) – Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги аниқ мавжуд бўлган бирор бир моддий нарсада (ҳужжат) бор бўлган маълумот.

2. *Бунда қандай қилиб чок тикиш мумкин?* (оғзаки нутқ) Бу ерда ҳам юқоридаги каби хабар маъноси англашилади. Фақатгина моддий тушунча ўзга.

Келтирилган мисоллар кўриниб турибдики, бу олмоши таркибидаги келишик воситаси аниқ кўриб турилган бирор бир нарсага нисбатан қўлланилади. Банд мисрасида эса у жой (Қашқадарё) га ишора қилиб келади. Аслини олганда, *Бу ерда саодатдир, бун ерда ҳаловат* шаклидаги жумла бўлиши керак. Шундай экан, бу ерда ўзига ҳос эстетик-завқ яширинган. Маълумки китобхон шу асарни ўқиш давомида худуд ҳақида тасаввурларга эга бўлиб боради. Лирик қаҳрамон, яъни ижодкор бу тасаввурни янада яққолроқ кўз олдига намоён қилиш мақсадида шундай шаклни ифода этади.

Бу шаклдан англашиладиган мазмуний ифода ижодий ниятга даҳлдор. Чунки Қашқадарё моддий объект эмас, албатта. Бунда сўзининг маъновий типларидан олиб қаралганда, мисрада шу сўз билан боғлиқ ўзига ҳослик бор.

Отларининг келишик парадигмаси аъзолари бадий асарларда бир-бирларини ўрнида келиб, мўътадиллашади. Лекин бугунги кунда бадий матнларда, шеърларда келишик аффиксларининг бирини ўрнида иккинчиси келтирилиши ҳаммавақт ҳам мўътадиллашув саналмасдан, тил меъёридан чекиниш, бадий нутқнинг ғализланиши деб баҳолаш мумкин. Масалан,

*Тўлдирай деб турмуш камини,
Пинҳон тутиб кўзнинг намини,
Четга суриб башар гамини,
Тил учида сайраб юрибман.*

(Аҳад Қаям)

Лирик қаҳрамон аниқ сезгиларни ҳис этади, ўз юрагидан ўтказади ва шундагина ҳақиқий санъат асари пайдо бўлади. Мисраларида қаратқич келиши қўшимчаси фақатгина иккинчи сатрдагина қўлланилган бўлиб, қолган мисраларда белгисиз ифодаланган. Белгисиз қаратқич келишиги қўшимчасини қаралмиш таркибидаги эгалик аффиксидан тиклаб олиш мумкин. Эгалик аффикси бўлган қаралмиш таркибида тушум келишиги аффикси ҳам мавжуд. Қаратқич келишиги қўшимчаси белгисиз қўлланганда сўзловчи учун мавҳум бўлган тушунчани ифодалайди. *Мактаб боғи* (умуман қайсидир мактабга қарашли боғ), *мактабнинг боғи* (аниқ бир мактабнинг боғи). Шеър ижодкор руҳиятидаги аниқ сезгиларни қаламга туширади. Ижодкор бошқа инсонлардан кўра туйғулари билан турли кечинмаларни белгилари ўз ўрнида тўлиқ қўлланилганда, мисралар янада жонли туюларди.

*Тўлдирай деб турмушининг камин,
Пинҳон тутиб кўзимнинг намин,
Четга суриб башарнинг гамин,
Тил учида сайраб юрибман. (Аҳад Қаям) I*

Яна шундай сатрлардан бири...

*Балиқлар денгизин даъвосин қилса,
Осмонлар юлдузин даъвосин қилса,
Дарахтлар илдизин даъвосин қилса,
Яшамоқдан маъно фақат курашмас,
Ҳақиқатга нечун тикка қарашмас.*

(Аҳад Қаям)

Эътибор қаратилса, мисраларда қаратқич келиши қўшимчаси белгисиз, тушум келишиги аффикси икки ўринда белгили қўлланган. Аслида шеър, агар насрий шаклга айлантирилса, *Балиқларнинг денгизини даъвосини қилса, Осмонларнинг юлдузини даъвосини қилса, Дарахтларнинг илдизини даъвосини қилса*, каби аффикслар қўлланилади. Шерий (умуман бадий) нутқда бир хил сўзлар, бир хил аффикс ва товушлардан фойдаланиш санъат ҳодисаси саналади. Адабиётшунослик илмида шу белгилар билан боғлиқ санъат турлари мавжуд. Лекин ўз қолипида келтирилмаган такрор тил меъёрининг бузилиши, нутқий чигаллик деб баҳоланади. Келтирилган шеър ҳар банди беш мисрадан иборат бўлган, ҳар бир банд охиридаги мисралар бандларни боғлаган, мумтоз адабиётимиздаги *муҳаммас* шеърий шакли қолипида. Биз таҳлилга тортган банд бешинчи банд саналади. Ижодкор шеър вазнини (11 бўғинли), шу шаклни сақлаш учун юқоридаги кўринишда мисраларни тузади. Чунки қаратқич келишиги аффикси ўз ўрнида қўлланилса вазн бузилади. Ижодкор мана шундан кўрқиб, асардаги аффиксларни ўз ўрнида келтирмаган. Сўз санъаткори фақатгина шакл хусусиятларини эътиборга қаратмаслиги керак. Зеро, мувофиқ тушган шакл ва мазмун умумлашмасидан ҳақиқий санъат ҳодисаси пайдо бўлади. Демак, ижодкор мисраларидаги тил белгиларининг бузиб қўлланилиши тил нормасидан оғиш саналади. Нутқий ғализликни , асар бадийлигига путур этишини олдини олиш мақсадида айнан шу мисраларни ўзимиз қайтадан қолиплашга ҳаракат қиламиз.

Балиқларнинг денгизи даъвосин қилса,

*Осмонларнинг юлдузи даъвосин қилса,
Дарахтларнинг илдизи даъвосин қилса,
Яшамоқдан мақсадлар фақат курашмас,
Ҳақиқатга нечунки тикка қарашмас.*

Тўғри, бундай белгилар билан мисралар тузилса, адабиёт назариясининг нормаларига зид тушади. Чунки биз белгилаган банд бошқа бандлар билан шаклан номувофиқ кўриниш олади. Менимча, ижодкор бадиий асар устида қайта ишлаши керак.

Демак, бугунги кун бадиий матнларида таҳлилида адабий нормадан, меъёрдан оғиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Келишик қўшимчаларининг бири ўрнида бошқасининг қўлланиши ҳамма вақт ҳам мўътадиллашув ҳодисаси саналмасдан, балки меъёрга зид деб қаралади. Масалан, “*Мен сени севгингни қозонишим учун камида бир мартаба бўлса ҳам, ўзимни сени ўрнингга қўйиб туришим шарт! Аммо бунга битта умр оз!...*” (А.Қаюм). Матнда **сенинг севгинг** бирикмаси ўрнида **сени севгинг** бирикмаси, **сенинг ўрнинг** бирикмаси ўрнида эса **сени ўрнинг** қўлланилмоқда. Ўзбек тили грамматикаси ҳоким сўз таркибидаги II шахс бирлик **-инг** эгалик қўшимчаси ўзидан олдинги тобе сўзнинг қаратқич келишиги шаклида келишини талаб қилади, матнда эса тушум келишиги қўлланилган.

“*Сен билан мени битта ўхшашлигимиз бор, икковимиз ҳам фақат ўзимизни ўйлаб севолмаймиз...*” (А.Қаюм) бу матнда ҳам юқоридаги каби шу ҳолатни кўриш мумкин. Аслида матндаги жумла **Бизнинг ўхшашлигимиз, фақат ўзимизни ўйлаб, севолмаслигимиз** шаклида бўлиши керак. Лекин кўплик шаклидаги кишилиқ олмоши (**биз**) ўрнида биринчи ва иккинчи шахс бирлик олмошларининг (**мен, сен**) қўлланиши, қаратқич ва тушум келишиклари шакллариининг ўзаро алмашилиб келиши тил меъёрига зидликдир. Кишилиқ олмоши кўплик шаклининг қўлланмаслиги ижодкорни кийнаган дардни, туйғуни ўқувчи томонидан тўлиқроқ идрок этилишига ёрдам беради. Шунга кўра матн мазмунида таъкид семаси ҳам кучлироқ. Ушбу ҳолатни мўътадиллашув деб қараш мумкин. Матнда “*Сен билан мени*

ўхшашлигим” жумласи аслида “Сен билан **менинг** ўхшашлигим” тарзида меъёрий қолипда бўлиши керак. Бу ерда эса мўътадиллашув эмас, тил меъёрининг бузилиши кузатилади, холос.

*Ким **мен** деб йиғлади, кимдир кечирди,*

Кимнинг дарди менга оғу ичирди,

Мисраларда биз эътибор қаратган нарса кишилик олмоши мен билан боғлиқ. Маълумки, бу олмош 1-шахсни ифодалайди. Мисрада ҳам худди шундай деб қараш мумкин. Яъни кимдир ўзини деб йиғлади. Лекин кейинги мисрадан англашилишича, мазмун ўзгачароқ кўринади. Чунки Кимнингдир дарди лирик қаҳрамонга оғу ичирган, кимдир кечинма соҳибига дард юқтирган, ёки қийнаган. Ҳаётда, инсон учун дўст кўп, душман кўп. Демак, биринчи мисрада Кимнингдир ўзи учун фиғон чеккани эмас, наздимизда, лирик қаҳрамонга дўст бўлган, уни деб, унинг дарди деб йиғлаган инсонларни тушуниш керак бўлади. Бунинг учун эса ижодкор мисрани *Ким мени деб йиғлади, кимдир мени кечирди* шаклдаги либосини олиши керак бўлади. Мен кишилик олмоши бош келишик шаклида эмас, ифода тушунарли ва мукамал бўлиши учун тушум келишиги шаклида қўлланилиши керак бўлади. Фикримизни равшанлаштириш мақсадида, шу мисралар мавжуд бўлган бандни тўлиқ келтирамиз.

Кимдир юрагидан буткул ўчирди

Оҳир ҳаммасига бир-бир кўндим ман,

Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Кимдир юрагидан лирик қаҳрамонни бутунлай ўчирди, охир-оқибатда у буларнинг ҳаммасига кўнди ва бу қийноқлардан ҳам ортиқроқ дард; ўз маъшуқасини ўйлаганда ёнмоқда. Банднинг тўлалигича мазмунидан ҳам англашилиб турибдики, биринчи мисрада ҳам мен кишилик олмоши лирик қаҳрамоннинг ўзини англатади. Шундай экан ифода ғализ, чунки тушум келишиги ўрнида келган бош келишикдаги олмош ноўрин қўлланилган. Шеър вазнини сақлаш мақсадида тил белгиларини бузиб қўлланилиши, шу ғализликни юзага кўтаради.

*Афсус, **бунинг** энди иложси йўқдир,
Табиат қилибди менда моҳирлик.
Майли, нима дердим, бу ҳукми тақдир,
Менга насиб бўлди касби шоирлик.*

Ажратиб кўрсатилган кўрсатиш олмоши таркибида қаратқич келиши қўлланилган. Ниманинг иложиси йўқлигини англаш чун шеърнинг тўлиқ мазмунидан ҳабардор бўлиш керак, албатта. Лирик қаҳрамон агар шоир бўлмаса, бошқа касб эгаси бўлиб, инсонларга яхшилик қилишини таъкидлайди. Биз таҳлилга тортаётган банд тушунарли бўлиши учун ундан олдинги банддаги мисраларни келтирамиз.

*О, дўстлар, мободо бўлсайдим табиб,
Беморлар дардига топардим даво....*

Бошқа касбнинг эгаси бўълишни энди иложиси қолмаган, боиси у ижодкор, шоир бўлиб яратилган. Бу тақдирнинг ҳукми. Таҳлилимиздаги мисранинг мазмуни, Афсуски, бошқа касбнинг эгаси бўлишимни энди иложиси йўқ. Моҳиятни бирикмаларга ажратсак, касбнинг эгаси, касбнинг эгаси бўлиш. Демк кўрсатиш олмоши қаралмишга ишора қилиб келмоқда. Қаралмиш таркибида тушум келиши қўшимчаси мавжуд экан, унга ишора қилиб келаётган, унинг ўрнида қўлланилаётган кўрсатиш олмоши ҳам, тушум келишиги шаклида бўлиши керак.

*Афсус, бунини энди иложси йўқдир,
Табиат қилибди менда моҳирлик.*

Шу шаклга айлантирилса ҳам, шеърнинг вазни ўшандайлигича, бузилмайди, балки ифода усули тиниқлашади. Яна шундай хулоса берадиган матнлардан бири қуйидаги афоризм кўринишидаги матн. *Икки **кишининг** ўртасидаги **муносабатларининг** қандай якун топшида кўпинча учинчи одам катта роль ўйнайди.* Матн аслида қуйидаги шаклни олиши керак. *Икки **киши** ўртасидаги **муносабатларининг** қандай якун топшида кўпинча учинчи одам катта роль ўйнайди.* Такрор матн таркибида бўлмаслиги керак, чунки у нутқий ғаликка хизмат қилади.

Келишиклар билан боғлиқ бундай шаклланиш мўътадиллашув саналмайди.

1.2. Отнинг функционал форма шакллари доирасидаги ва отлардаги кўплик ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви

Таниқли рус тилшуноси Ю.Н. Карауловнинг “Қар қандай матн ортида лисоний тизимларни эгаллаган муайян шахс туради” деган фикрни эътироф этган эди.¹

Ҳақиқатан, муайян шароитда тил воситасидан ҳар бир шахс ўз эҳтиёжи даражасида фойдаланади. Бугунги кун тилшунослигида, хусусан лингвокултурология, психолингвистика, прагматингвистика каби қатор соҳаларни марказий нуқтаси деб матнни айтиш мумкин. Тилни алоҳида система сифатида парадигмаларга бўлиб ўрганиш кўплаб назарий масалар ечилишига асос бўлган бўлса, тилни матн таркибида, контекст мисолида тадқиқ этиш шу масаланинг иккинчи томони саналади.


Морфологик зидланишларнинг нейтрализациясини, айниқса, отлардаги вазифа шакллари ҳосил қилувчи қўшимчаларда кузатиш мумкин.

Ҳурмат, эркалаш-кичрайтириш маъносини ифодаловчи қўшимчалар матн таркибида ўз мавқеини йўқотади, мўътадиллашади. Масалан, –*жон*, –*бек*, –*хон*, –*поиша*, –*биби*, –*ниса*... каби қўшимчалар *ҳурматлаш*, *эркалаш* (*Дилдорапоиша доимо соғ бўлинг! Оғзаки нутқдан*) маъноларини ифодалайди. Нутқ моментида булар *кесатик*, *пичинг* мазмунини ҳам ифода этиши мумкин. (*Дилдорапоиша нелар деяпсиз ўзизча-а? оғзаки нутқдан*) Ш.Содиқова “Аффиксоидлар ёрдамида ҳурмат маъносинининг ифодаланиши” деб номланган мақоласида ўзбек тилида ҳурмат маъноси лексик-семантик, семантик-синтактик, лексик-морфологик, семантик-синтактик ва семантик-стилистик (услубий стилистик) ҳодиса сифатида кўринишини таъкидлайди. Лекин фақатгина –*жон* аффиксини матн таркибида ҳурматсизлик маъносида қўлланилишини таҳлилга тортади.

Тилдаги бошқа *ҳурмат* маъносини ифодаловчи шакллар ҳам *ҳурматсизлик*, *киноя* маъноларида контекстда қўлланилиши мумкин. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлади:

- 1.Муайян нутқий вазият
- 2.Шахслараро муносабат
- 3.Сўзловчининг руҳий ҳолати


Масалан, ҳурмат маъносини ифодаловчи *–пошша* аффикси аёл исмларига қўшиб айтилганда насл-насаб (Дилбарпошша хўжалардан. Оғ.нутқ) эркалаш маъносидаги сўз шаклини (Қизпошшам бўлақолинг) ҳам ҳосил қила олади. Бу шакл ҳурматсизлик, киноя мазмунини англатиши ҳам мумкин. Бу, албатта, юқоридаги омиллар натижасидадир. Шу боис кесатик мазмунида мўътадиллашган шаклни бутунлай шу мазмунга кўчади деб қараб бўлмайди.



¹Д.Худойберганова. Ўзбек тилшунослигида матннинг антропоцентриқ талқини. Ўзбек тили ва адабиёти.

Демак, -пошша аффикси юқоридаги қатор омиллар таъсирида ўз парадигмасига зид бўлган мазмунни ифодалаб мўътадиллашади.

Яна шундай аффикслардан бири *-ча* аффиксидир. Бу аффикс шаклдош бўлиб отларнинг вазифа шаклларини ҳосил қилувчи аффикслар орасида эркалаш: *Йигитча. Нигоҳингиз ўткир, шуурингиз тиниқ.* (А.Йўлдош) кичрайтириш : *Қуш- қушча* каби шакллларни ясайди. Шу билан бирга равиш ясовчи аффикс ҳам саналади :*Она лотинчалаб бир нима деди.* (А.Йўлдош) бу аффикс матн таркибида кесатик-пичинг маъноларида ҳам қўлланилади. Кўпинча ўзлик олмошига қўшилганда кесатик (*Ўзингча нелар ҳақида ҳаёл сурасан. Оғзаки нутқдан*) мазмунни ифодалаши илмий адабиётларда изоҳланган.-ча аффикси ҳам юқорида қайд этилган омиллар таъсирида турли хил маъно қирраларига эга. Лекин мазкур аффикс атрофида мазмуний мундарижалар учун битта ягона бўлган – отнинг кичрайтириш шаклини ифодалаши мазмуний умумлашма саналади. Шу қўшимча билан боғлиқ бўлган мазмуний муносабатларни ҳам чизма асосида таҳлил этмоқчиман.



Ҳар бир синтактик бутунликда ифода этилаётган мазмун тил белгиларининг муносабатларидан (ҳар қандай муносабат) ташкил топгани каби, -ча аффикси ёрдамида фикр мазмунининг ранг-барангли ҳам шу аффикс доирасидаги мазмуний муносабатлардан тузилади деб қараш мумкин. Отнинг кичрайтириш шаклидан – эркалаш, ундан маслаҳат, ундан маънонинг таъкидланиши, ҳамда эркалашдан кесатик доирасидаги мазмуний қолиплар ўрин олади. Албатта, бу тасниф шартланган. Чунки инсоннинг руҳий оламидаги турли таъсирлар ўлароқ онг чизгиларидаги фикрий тарқоқлик яқдил илмий хулоса чиқаришга йўл бермайди. Боиси киши исталган нутқий шароитда ўз муносабатларини турлича тил воситасида баён қилиш мумкин. -чааффикси ҳам *маслаҳат бериш, таъкидлаш ва энг асосийси киноя* мазмунини ифодалаганда мўътадиллашади.

Ой сўзи эркалаш-кичрайтириш шакллари ифода этиши мумкин. Нутқий вазиятларда бу сўз ҳам фақатгина эркалаш-кичрайтириш шаклинигина ҳосил қилмасдан, ҳурматлаш, кесатик мазмун- моҳиятига эга.

Ойқиз, Оймомо, Ойпошиша, Ойхон, Ойгул каби атоқли отлар таркибидаги *ой* қўшимча саналмайди, осмон жисми саналади. Қадимдан қиз гўзаллиги ойга қиёс этилгани маълум. Шу боис ҳам бадий адабиётда *ой юз, тўлин ойдек жамол* каби ташбеҳлар яратилган. Шу сўз билан боғлиқ отлар, асл исми бошқача бўлган атоқли отлар ўрнида келиб турли хил мазмун англатиши мумкин. Масалан, *Синглимизнинг исми Нодира, лекин биз уни Ойхон деб чақирамиз (оғзаки нутқ)*. Бу мисолда, *Ойхон эркалаш- суйиш*, мазмун-моҳиятига эга деб қаралса, нутқий вазиятда сўзловчининг шахсларга бўлган турли хил муносабатларидан келиб чиқиб у англатган маъно бутунлай ўзгариши мумкин. Масалан,

- *Келингизни исми Нодира денг, чиройли экан.*

- *Ҳа, у Ойхонни исмигина чиройли холосда! (оғзаки нутқ)*

Бу бутунликдан энди эркалаш эмас, кесатик мазмуни англашилмоқда.

Ой деганда биринчи бўлиб тафаккуримизга коинотдаги жисм келади. Тафаккуримизда лисоний ифодага берилган биринчи изох шудир. Кейин унга боғлиқ бўлган тушунчалар босқичма босқич шаклланаверади. Ойнинг гўзаллиги уни аёл гўзаллиги билан боғлаш, ҳурматлаш ёки эркалаш учун ҳам қўшиб айтилиши каби. Демак, бу сўз ифода этаётган мазмун таснифланар экан.

- *Ой кўк юзида танҳо сузиб юрибди. (жисм)*
- *Ойдек латофатли санамлар кўп дунёда. (хусн)*
- *Оймомо қизим мени, Лобарой. (эркалаш)*
- *Саодатой ўқишларингиз яхшими ? (ҳурматлаш)*
- *Башарани кўр, Ой билан ҳусн талашади-я? (пичинг)*

Пичинг мазмунини ифодалаётган тушунча, фақатгина нутқий моментда мавжуд бўлади. Инсон онгида ойнинг салбий баҳоси юқорида қайд этилган турли хил жараёнлардагина гавдаланади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сўзловчининг шахсга бўлган объектив муносабати ўз-ўзидан тил белгилари ёрдамида ифодаланади.

Муайян позицияда қўлланилувчи белги ўзининг бирламчи вазифасини йўқотиб, бошқача вазифага кўчади. Бу нейтрализация ҳодисаси саналади.

От сон шакллариға ҳам эға. Отларда бирлик о шаклга эға бўлиб, отларда кўплик асосан, -лар кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади. Шунга улар бир-биридан фарқланади. Масалан, *китоб*-(о) бирлик, *китоблар*- кўплик. –Лар кўшимчаси фақатгина кўплик шаклни ҳосил қилмайди, у шахс отларига кўшилгвндв ҳурмат, атоқли отларга кўшилганда, жамлик, умумийлик маъноларини бундан ташқари, чама, фараз, маънони кучайтириш каби кўплаб функционал мазмунга эға бўлган сўз шакллари ясалади. Масалан, *китоб*, *китоблар* лексемалари бир луғавий ҳамда грамматик маънога эғалиги билан бир парадигмани ҳосил қилса, бирлик ёки кўплик шаклда эканлиги билан дифференциал белгига эға бўлади. Отнинг бирлик шакли 0 формага эға, яъни отнинг бирлик шаклини ҳосил қиладиган грамматик восита мавжуд эмас. Айнан мана шу белги кўпликдаги отга нисбатан фарқловчи белги саналади ва фарқлашга асос бўлади. Бирлик ва кўплик шакллари ўртасидаги зидланиш, қариндош-уруғ номларини билдирувчи шахс отларига кўшилганда ҳурмат (*дадамларни соғиндим*), атоқли отларга кўшилганда жамлик (*Мамасодиқлар оиласи*), кўпликни ифодаловчи нарсa отларига кўшилганда эса тур, навни (*унлар*, *ёғлар*), бундан ташқари маънони кучайтириш, таъкидни ифодалаганда (*Бахтлар келсин*) мўътадиллашган бўлади. Айниқсв, қуйидаги мисралар мисолида кўплик шаклнинг маънони кучайтиришга хизмат қилишини ёрқинроқ тасвирлаш мумкин.

Туни билан ёққан ёмғирлар

Ювиб ўтди тонглар юзини.

Мен изладим ўзим учун чир

Бўлган бахтнинг ёруғ изини.

(Зебо Мирзо)

Банддаги ёмғирлар, тонглар сўзи таркибида кўплик шаклни ҳосил қилувчи кўшимча мавжуд. Бу кўшимчалар кўплик маъносига эға бўлиш билан бирга, мисра мазмунини чуқурлашишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Аслида мисра, *тунлар мобайнида ёмғирлар ёғди* шаклида бўлиши керак. Негаки, ёмғир тонг юзини эмас, тонглар юзини ювиб ўтмоқда. Аслида тун-тонг билан боғлиқ тушунчалар кўчма маънода экан. Яъни тун- қайғу, жудолик, руҳий азоб, тонг эса - бахт, шодлик, завқ-у шавқни ифода этади. Лирик қаҳрамон тунда ҳасратдан кўп йиғлайди, кўп ёмғир ёғади. Бу ёмғирлар, кўзёш ёмғири уни бахтдан бенасиб қилади. Англашиладики, Кўплик шаклдаги сўз ўрнида бирлик шаклдаги сўз келтирилган. Лекин бундай кунлар давомли бўлгани учун, ижодкор бир кунни тасвирлаётган бўлса ҳам, кўплик шаклдаги отлардан фойдаланган. Бундай ёндашув куйидаги келтирилган банддан кейинги масраларда англашилади.

Сен келмадинг,

Бироқ бу гаҳ ҳам...

Мен куннинг қон юзига боқиб –

Ғижимланиб отилган хатдай –

Юрагимни юбордим ёқиб.

Туни билан ёмғирлар ёғди.

Ҳижрон кунлари шу қадар кўпки, у қайта-қайта такрорланаверади. Кечинма эгаси ҳам қайта-қайта изтироб чекади, йиғлайди. Айни шунинг учун ҳам , *туни билан ёмғир ёғди деб эмас, ёмғирлар ёғди деб ўз туйғуларини* ифодалайди.

Ижодкор ижодий ниятига боғлиқ тарзда банддаги ҳиссий таъсир доирани кучайтириш, кечинмани кўтаринкилик билан тасвирлашга ҳизмат қилган шакл ҳодисаси учун зидланишлар доимий эмаслигини, сўзловчининг психик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, муайян бир сўз бир қанча маъно оттенкаларига эга бўлиши, бу маъно қирраларини англаш учун китобхон ўта даражада закий, идрокли бўлиши кераклиги ойдинлашиб қолади.

Олмош туркуми доирасида зидланишларнинг мўътадиллашуви

2.1. Кишилик олмошларига ҳос мўътадиллашув ҳодисасининг

тилда воқеланиши

Маълумки, олмошлар бошқа барча сўз туркумлаига ишора қилиб келувчи, ичи бўш, ишора маъноли сўзлардир. Предмет, шахс, белгй, миқдор, сингари тушунчаларни ишоравий йўл билан ифодаловчи, от, сифат, сон ўрнида қўлла-нувчи мустақил сўз туркуми олмош дейилади.

Олмошлар шахс, предмет, белги ёки миқдорга ҳос бўлга умумий (абстракт) маънони англатади. Олмош билдирувчи маъно нутқ жараёнида аниқ юзага чиқади. Олмош қайси сўз туркуми ўрнида қўлланса, у бажарга синтактик вазифани бажара олади. *Талабалар йиғилишига отландилар/Улар йиғилишига отландилар.*

Олмошлар маъно ифодаси нуқтаи назардан бошқа мус тақил сўз туркумларидан кескин фарқланади... от, сифат, сон, феъл, равиш туркумдаги сўзлар бирламчи, аниқ номлар, олмош ифода этган ном иккиламчи, умумий ном ҳисобланади.

Олмошлар ифода этаётган ишоравий маъносига кўра бир қанча маъно гуруҳларига бўлинади.

Шахс(лар)га ишора қилувчи олмошлар бирликдаги якка ёки бирдан ортиқ шахсларга ишора қилади: мен, сен, у, биз, сиз-лар, улар. Бу олмошлар сон ифодаси орқали зидланади: мен, сен, у - яккалик, бирлик; биз, сизлар, улар-кўплик.¹

Кишилик олмошлари шахс ва сонни ифода этади.

ШАХС	БИРЛИК	КЎПЛИК
I	Мен	Биз
II	Сен	Сиз
III	У	Улар

¹ А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 70-бет

Шунинг учун ҳам бадиий матнларни сўзларни айнан такрорламаслик учун, нутқий ғализликни олдини олиш мақсадида олмошлардан фойдаланилади. Кишилик олмошларининг нейтрализация ҳодисасига киришиши, ёки от сўз туркумидаги сўзларнинг олмош ўрнида қўлланилиши мумкинлиги фанда илмий асосланган.

Олмошлар, хусусан кишилик олмошлари шахсга ишора қилиши билан умумий белгини англатиб, бир парадигмани ҳосил қилса, қайси шахсга ишора қилиши билан фарқловчи белгига эга бўлади. Нутқий жараёнда турли омиллар таъсирида кишилик олмошлари фарқловчи белгиларини йўқотади. Масалан, оғзаки нутқдан олинган қуйидаги жумлаларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Мўътадиллашув	Аслида
<i>Биздақага</i> шуниси ҳам бўлаверади	Менга бўлади
-Даданг қаерда? - <i>Улар</i> ишдалар	У ишда
Ҳа, энди <i>сизлардек</i> домуллоларга бир гапни уқтириб бўлармиди	Сизга уқтириб бўлмайди

Кишилик олмошлари бир-бирининг ўрнида шунчаки қўлланмасдан қўшимча маъно аттенкаларига эга экан. Шу нутқий вазиятнинг ўзида нейтраллашув кузатилади. Шунини таъкидлаш керакки, бирининг ўрнида иккинчи қўлланилаётган ҳар қандай бирлик заминида маълум бир яширин маъно ётади. Бу мазмуннинг англаниши учун, энг биринчи навбатда, нутқ соҳибининг сўз қўллаш жараёнидаги турли хил омиллар таъсирини аниқлаш керак бўлади. Шундагина, инсон нутқига хос бўлган ранг-баранг ифодаларни тушуниш мумкин. Бу ҳолат нутқ моментида қуйидаги омиллар таъсирида кузатилади.

2.Шахснинг
шахсга бўлган
муносабати

3.Рухий
ҳолат таъсири

1.Шахснинг
индивидуал
хусусиятлари

Шу омиллар таъсирида кишилик олмошлари ҳам ўрин алмашади, лекин бу ҳодисани муайян биргина омил таъсирида деб бўлмайди. Чунки ҳар қайси биз санаб кўрсатаётган омил бир-бирини тақазо қилувчи, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайдиган омиллар ҳисобланади. Бу омиллар натижасида кишилик олмошлари алмашинади, турли хил маъно қирраларига эга бўлади. Демак, улар тенг қимматли ва эквивалент зидланишда бўлади. Кишилик олмошларининг маъносига кўра ҳам доимий, мўътадил зидланишларга кириша олади. Буни қуйидаги матн мисолида таҳлил қилиб ўтамыз.

Сизнинг юрак юрагу,

Бизники юракмасму.

Сизга висол керагу,

Бизларга керакмасму? (А. Қаюм)

Бандда кўплик шаклдаги биринчи ва иккинчи шахсни фодолавчи олмош шакллари қўлланилган. Лекин банднинг мазмуний ифодасида ошиқ ва машуқа кечинмалари, ошиқнинг машуқасига таънаси ифодалангани аён. Лирик қаҳрамон – ошиқ. Машуқага ошиқнинг муҳаббати шу даражада юксакки, уни ҳаттоки, сен деб мурожаат қилолмайди. Машуқа ҳажрида ошиқ ҳолати қийинлашган, энди у таъна қилишга ўтади, киноя билан ўзини ҳам у қадар пастга урмаслигини айтади. Бунинг учун биринчи шахс *мен* кишилиқ олмоши ўрнида *биз* олмошини қўллайди. Бу олмош лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини тасвирлаш учун муносиб шакл элементи саналади. *Биз* олмоши матнларда киноя, пичинг каби маъно оттенкаларига эга бўлади. Биз олмоши “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да қуйидагича изоҳланади.

1.Биз- кишилиқ олмоши.1-ш, кўплик. Сўзловчи ва у кўзда тутган ёки у билан бирга бўлган бир ёки бир неча кишини билдиради. *Биз пахта тердик.*

2. Иш-ҳаракатда (билан кўмакчиси иштирокида) сўзловчининг бирор кимса билан бирга эканлигини билдиради. *Биз у билан бордик.*

3.Биринчи шахс мен ўрнида ишлатилиб, камтаринлиқ ёки, аксинча, мақтаниш, ғурурланиш маъноларини ифодалайди. – *Ким талабгор? – Мана, биз талабгор.* ¹

Биз олмоши шу маъноларда қўлланила олади. Бундан ташқари, бу олмош пичинг мазмунига ҳам эга бўлади. Масалан, *Абдусалом— Йўқ. йўқ. Менинг қизим Москов деган шаҳарга бориб доктор бўлиб қайтган.*

Ҳа, ҳар ойда юз сўлкавойни қўйнингизга жарақлатиб солади.


*Мўмин— Ҳа, **бизни** ўғлимиз-чи, Нодиржон, мухбир бўлиб шеър ёзади. Даста-даста китоблари чиқади.*(Э. Воҳидов)

Матнда қўлланилаг биз олмоши кесатик мазмунга эга. Сухбатдошини пастга уриш, ундан юқори даражада эканлигини исботлаш учун Мўмин ўзини камтарин тутаётгандек қилиб кўрсатиш мақсадида мен олмоши ўрнида биз олмошини келтирган. Мазмунан камтаринлиқ эмас, пичинг семасини юқорилашишига кўмак берган олмош мўътадиллашган. Аслида жумла, *Ҳа,*

мени ўғлимчи, Нодиржон, мухбир бўлиб шеър ёзади. Даста-даста китоблари чиқади шаклида бўлиши керак. Бу шаклдан эса биз юқорида англаган ёндаш мазмунлар сезилмайди. Бу мазмунлар сезилмаса, инсоннинг руҳий ҳолатини, унинг инсонга бўлган ўзгача муносабатини ҳам англаб-тушуниш қийинлашади. Биз кишилик олмоши ўзбек тилининг изоҳли луғатида

Яна шундай матнлардан бири,

Абдусалом— (кайф ичида) Ҳали шунақами? Сиз бойвачча-ю, биз туя бўлдикми? (Э. Воҳидов) Бу жумлада ҳам мен кишилик олмоши ўрнида, биз олмоши қўлланилган. Бу ўзига ҳос шакл жумла мазмунини кенгайтирган. Шу жумладан англашиладиган мазмуний ифодани қуйидаги чизма асосида таҳлил қилиш мумкин.



Кўриниб турибдики, биз олмоши келтирилган ифоданинг мазмунида шахс руҳиятидаги чизгиларни англаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, биринчи жумладаги мазмуний ифода ҳам, иккинчисига қараганда салмоқлироқдир. Кишилик олмошларига бундай ёндашув уларнинг маъносига кўра зидланиши доимий эмаслигини билдиради.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили”, Москва 1981-й 111 бет

*Уф-ф! Нима қилдим-а! Бошим қотди-ку. Бир ҳисобда бу гарангнинг ҳам гапида жон бор. Икки ёш бир-бири билан топишиб кетса, **биз** қарилар ким деган одам бўламиз-а? Йўк, яна гапла-шиб кўрмасам бўлмайди. (Э. оҳдов).* Бу жумлада эса мен ўрнида келган кишилик олмоши камтаринлик, ўзини бечораҳол, ҳокисор тутиш каби маъноларни ифодалаган. Биринчи шахс кўпликни анилатувчи биз кишилик олмоши мен олмоши ўрнида келиб, биринчи шахс бирликни анилатиши мумкин. Бундай ўринларба биз олмоши шахс маъносини ифодалаш билан бирга, кесатик –пичинг, ўзини ҳокисор, камтарин тутиш каби кўшимча маъновий типларга эга бўлади.

Бундан ташқари, бадиий матнларда иккинчи шахсни ифода этувчи *сен* олмоши ҳам биринчи шахс бирлик олмоши ўрнида қўлланилиши мумкин. Дастлаб, *сен* олмошининг ҳам изоҳли луғатдаги маъноларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1.Сен кишилик олмоши 2-ш бирлик. Ўзидан кичик, яқин кишига мурожаатда ишлатилади. *Сендан хурсандман.*

2.(кўплик формада) Кўпчиликка мурожаатда дағаллик ёки менсимасликни билдиради. *Манини сенларга бердим, экиб қўйларинг. (Ойбек)*¹

Биз шу каби маъноларни инкор этмаган ҳолда, *сен* олмоши биринчи шахс кишилик олмоши ўрнида ҳам қўлланилиши мумкинлигини таъкидламоқчимиз. Бундай шаклдаги олмош кўпроқ бадиий матнларда қўлланилади. Асосан, бу жараён ижодкорнинг ижодий нияти билан боғлиқ. Лирик қаҳрамон ўзи ифода этаётган кечинманинг оҳангдорлигини ва эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида шундай шаклни танлайди. Ижодкор ўз руҳий ҳолатини гўё, бировникидек қилиб тасвирлайди. Масалан,

*Shundaylar bor, senga lutf aylab,
Do'stman, deya senga qo'lin tutarlar.
Lekin har zum qadaming poylab,
Xato qilishingni kutarlar. (A Opunov)*

Ижодкор рухий ҳолатида мавжуд бўлган кечинма унинг ўзига тегишлидир. У ўз-ўзи билан мулоқотга киришмоқда. Худди ўзга инсоннинг кечинмаси ҳақида сўзлаётгандек тутмоқда ўзини. Ҳолат ижодкорнинг ўзигагина тегишли экан, мисралардаги шакллар ҳам биринчи шахс бирлик кишилиқ олмоши билан ифодаланиши керак. Лекин бундай шакл билан мисраларнинг эстетик таъсирини ҳозиргидек кўтаринки руҳда тасвир этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижодкор мен кишилиқ олмоши ўрнида иккинчи шахс бирлик олмошини келтиради. Бу шакл китобхон учун ўзига ҳос эстетик завқу-шавқ бағишлай олади.

*Оқ қогозим, сенга Эркин
Очди пинҳон ишқини,
Сен бору мен бор, қалам бор,
Ўртада бегона йўқ.*

(Э. Воҳидов)

Бу бандда ҳам юқоридаги каби ҳолатни кузатиш мумкин. Ижодкор ўзига мурожаат қилиб, ўз кечинмасини баён қилган. Бу ҳам ўзига ҳос эстетик таъсирга эгадир.

*Дардни сен ҳар кимга айтиб
Оҳу фарёд этма кўп,
Куйса жонинг, жонажонинг,
Шавқи жон жононга ёз.
Баҳрасиз олдида, Эркин,
Очма кўнгил дафтарин,
Неки ёзсанг, дил сўзини
Анлаган инсонга ёз.*

(Э. Воҳидов)

Бандда ижодкор китобхон эътиборини тўлиқ жалб қилиш мақсадида мен ўрнида сен олмошиниқўллаган. Шу бандлардан ойдинлашадики, мисранинг таъсир доирасини кучайтириш мақсадида ижодкор мен олмоши

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили”, Москва 1981-й 36-бет

ўрнида сен олмошини келтиради. Китобхон мисра мазмунини ўзига қиёс этиб англайди, чунки сен га бўлган мурожаат китобхонни мисра мазмунини ўз қалбидан ўтказишга туртки бўлади.

*Ўзгаларнинг айби билан ҳаёт йўлларида **сиз** адашган бўлсангиз ҳам, **сизнинг** билан бошқалар адашишига асло йўл қўйманг, илтимос.* (А. Қаюм)

Матнда икки ўринда *сиз* кишилиқ олмоши қўлланилган. Биринчи олмош ўз ўрнида, тил меъёрида, яъни *сиз* деб ўқувчини, инсонни назарда тутади. Иккинчиси *сизнинг билан* жумласида эса олмошнинг қайси сўзга ишора қилиб келаётганини англаш қийин. *Сизнинг қилган айбингиз билан* шаклида бўлиши керак. Шундагина ифода тиниқ бўлади. Бу жараён нейтраллашув саналмайди.

Демак, биринси шахс кўплиқ олмоши *биз*, иккинчи шахс бирлик олмоши *сен* биринчи шахс *мен* кишилиқ олмоши ўрнида келиб, унинг маъносига кўчиб, доимий зидланиш белгисини йўқотади.

2.2. Кишилик олмошлари ўрнида қўлланилувчи мустақил сўзларнинг мўътадиллашуви

Тилимизда *мен* кишилик олмошининг ўрнида қўлланилиши мумкин бўлган *камина, фақир, банда, мазлум* каби от сўз туркумига оид сўзлар учрайди. Бу соҳада тилда жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Ж.Ҳамдамов *мен* маъносини ифода этувчи *фақир, банда, мазлум, бенаво, нотавон, телба, шикаста, ҳақир, камина* каби сўз ва ибораларнинг қўлланилиши мумкунлигини назарий томондан изоҳлайди. 1-шахс бирликдаги кишилик олмоши ўрнида унинг услубий эквиваленти сифатида ишлатилган сўз ва ибора ўзининг лексик маъносини йўқотиб, олмош маъносини ифодалайди, аммо олмошлар қаторига бутунлай ўтиб кетмайди.¹Тилшунос айнан мўътадиллашувга ишора қилади. Лекин бу лексик бирликлар фақатгина ҳурмат, самимият, ўзини камтарин ва ҳокисор тутиш каби мазмунларга эга бўлади деб изоҳланади. Бу бирликлар нутқий жараёнда кесатик мазмунини ҳам ифодалаши мумкин. *Ҳа, энди, биз фақирлар нимани ҳам биларди. (огзаки нутқдан) Бу не кўргуликки, бизнинг фақир бошимизга ёғдиришни ирода этибсан?* (Олим Тошбоев) Ҳар икки ўринда қўлланилган *фақир* сўзи шахснинг ўзини, менни англатиш билан бирга, унинг қатор сифат белгиларини бечора, ўқимаган ва оми ҳокисор тутиш хусусияти тушунилади. Бундан ташқари нутқда *фақир* сўзи пичинг мазмунини ифода этмоқда. Бу ҳолат нутқ моментида қуйидаги омиллар таъсирида кузатилмоқда.

1.Шахснинг индивидуал хусусиятлари

2. Шахснинг шахсга бўлган муносабати

3.Рухий ҳолат

Бундай кузатив бирликлар ўртасидаги зидликнинг нутқ таркибида йўқолиб, мўътадиллашади деган хулосани келтириб чиқаради. Шундай лексемаларни камтаринлик, самимият семаларида қўлланилишини инкор

¹Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Тарихий морфология. Исмлар. Самарқанд, 2003. 114-бет

этмаган ҳолда, шу семалар қатига яширинилган мазмуний бирликларни қуйидагича тасниф қилиш мақсадга мувофиқ.

Камтаринликни ифодаловчи	Руҳий тушқунликни ифодаловчи	Киноя маъноларида қўлланилувчи
Боз устига тақдир <i>каминага</i> бирор касб- корни раво кўрмаган, баҳонада ҳунарли бўлиб ҳам оламан. (Анвар Муқимов)	- <i>Каминани</i> кўп хижолатли аҳволга сопқ ўйдиларда, - дедих ўрсиниб. - Келинг, йигитнинг Сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин! (Ўткир Ҳошимов)	- Қайси биридан? - <i>Каминага</i> «қизили»ям бўлаверади (Ўткир Ҳошимов)

Камина сўзи барча функционал мазмунларга эга бўлса ҳам, биринчи навбатта бу сўз мен олмошига ишора қилиб келади. Бу ҳақиқи ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам таъкидлаб ўтилган. “Камина камтарлик ёки одоб юзасидан “мен” сўзи ўрнида ишлатилади.”¹ Демак, бу сўз, қадимдан асосан камтаринликни ифодалаган. Кузатишларимиз натижасида, камина сўзи камтаринлик, ҳокисорлик билан бирга руҳий тушқунлик, эзилганлик, киноя мазмунларига ҳам эгадир. Камина сўзи турли хил мазмуний ифодаларга эга бўлса-да, уларнинг барчаси биринчи шахс бирлик кишилиқ олмоши маъносини англатади. Демак, камина сўзи англатадиган ҳар қандай мазмуний ифода **мен- кишилиқ олмоши** доирасида кузатилади. Бунини юқоридаги контекст мисолида яна кузатиш мумкин.

Камтаринликни ифодаловчи	Руҳий тушқунликни ифодаловчи	Киноя маъноларида қўлланилувчи
Боз устига тақдир <i>каминага</i> (менга) бирор касб-корни раво кўрмаган, баҳонада ҳунарли бўлиб	- <i>Каминани</i> (мени) кўп хижолатли аҳволга сопқўйдиларда, -деди хўрсиниб.	- Қайси биридан? - <i>Каминага</i> (менга) «қизили»ям бўлаверади

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили”, Москва 1981-й 364-б

ҳам оламан. (Анвар Муқимов)	- Келинг, йигитнинг Сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин! (Ўткир Ҳошимов)	(Ўткир Ҳошимов)
--------------------------------	--	-----------------

Демак, бу лексемалар нутқ вазиятига қараб турли хил услубий вазифаларни ифодалайди. Бу вазифалар бир луғавий маънодоираисда юзага чиқади. Айнан шу назарий фикр уларнинг мўтадиллашув ҳодисаси деб аташимизни асослайди.

Банда сўзи ҳам биринчи шахс кишилик олмоши ўрнида қўлланилиши мумкин. Бу сўз инсон, одам сўзлари билан маънодошликка эга. Кўрдингизми, «обизамзам»нинг «шарофати» билан бир бандаи мусулмоннинг ҳам юрагини ёраёздим. (Анвар Муқимов)- контекстда бандаи мусулмон – инсон, одам сўзлари билан маънодошликка эгадир.

Офтоб елиб толса, кўк узра,

Унга осмон сандиги ҳужра.

Ҳақдан ҳукм, бандадан ижро,

Худо билар ким олдин кетар.

(Муҳаммад Юсуф)

Лирик қаҳрамон ўз кечинмаларини баён қилар экан, *бандадан ижро* бўлади деган бирикмани келтиради. Бу ўринда банда сўзи ўз луғавий маъносида келган. Ҳақ- Оллоҳ буйурганини, ҳамма инсон қилади деган мазмуний ифода чиқади. Лекин қуйидаги бандда бундан ўзгачароқ ҳолатни кўриш мумкин.

Фариштамас ўзим ҳам албат,

Мен ҳам бир бандаи мусулмон.

Гуноҳим кўп, биларман фақат.

Ҳажга борай десам – пулим йўқ.

(Муҳаммад Юсуф)

Мисрада *бир бандаи мусулмон* бирикмаси берилган. Бу бирикмани қайси сўз ўрнида келаётганига диққа қилиш керак. Маълумки, ислом дини ақидасига кўра Оллоҳ яратган онгли мавжудот банда ҳисобланади. Мисрада айнан шунга ишора қилинади. Лекин банда сўзининг *мен* кишилик олмоши ўрнида қўлланилиши мумкунлигини ҳисобга олиб, бу мисрада баравар келган *мен* олмоши ва бандайи мусулмон белгилари лирик қаҳрамон кечинмаларида таъкидлаш семасининг юқори даражада бўлишига эришилган деб баҳолаш мумкин.

Банда сўзи нутқий жараёнда фақатгина 1-шахс кишилик олмошлари ўрнида қўлланмасдан 2-шахс кишилик олмошлари ўрнида келиб, *сен ва сизнинг эквиваленти* сингари ишлатилиши мумкин. Тўғри бунда ҳам ўзига хос функционал маъоларга эга бўлади. Масалан, кўпроқ оммавий тўдаларда *сен ва сизлар* ўрнига, *осий банда, бандалар*, лексемалари қўлланиладики, бу тингловчиларни ўзига тортиш, даъват этиш сингари қатор мазмунларга эга бўлади. *Эй очкўз банда, қаерга шошасан. (кинодан) ёки Эй баднафс ва очкўз банда шошилиб, шошиб ариқ қазасан, иморат қиласан, ниҳол экасан. Сен қазиган ариқнинг торлигидан сув тикилиб ё тошиб кетаётир. Қурган иморатинг тез орада таъмирталаб бўлиб бораётир. (Ашурали Жўраев)* **Мисоллардаги банда сўзи сен га ишора қилиб айтилмоқда. Ўзининг лексик маъносини ҳам бутунлай йўқотмасдан, сен шахсини ифода этмоқда.**

Банда сўзи *одам, инсон, онгли мавжудот, мукаррам зот* сингари сўз ва бирикмалар билан маънодошликка эга. Бу лексемалар тил грамматикасида от туркумини шахс отларини ифодаловчи лексемалардир. Уларнинг барчаси *мен* олмоши ўрнида қўлланила олмайди. Фақатгина банда сўзи келиши мумкинлиги юқорида далилланган. Масаланинг бошқа томони эътиборга молики, бир маънодошлик қаторини ҳосил қилувчи, бир парадигмага мансуб бўлган бирликлар фақат ўзигагаина хос мазмунларга эга экан. Лекин уларнинг ҳар бири 2-шахс кишилик олмошлари бирлик ва кўплик шакллари ўрнида қўлланилиб мўътадиллашади. *Ей инсон, нега тушунмайсан. (оғзаки нутқдан), Одам бугун учрашишимиз керак. (оғзаки нутқдан), Сен* олмоши

ўрнида, *Инсонлар ўзингизни қушдай енгил ҳис этинглар. (Сизлар ҳис этинг)*
(кинодан)

Демак, *банда* сўзи фақатгина *мен* кишилик олмоши ўрнида эмас *сен* ва *сиз* олмошлари ўрнида ҳам қўлланилиши мумкин яъни мўътадиллашади.

3. Феъл шаклларида зидланишларнинг мўътадиллашуви

3.1. Феълларнинг замон ва шахс-сон шакллари доирасида

нейтрализация ҳодисаси

Морфологик сатҳ бирликлари орасида ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўз шакллари доирасида ҳам нейтраллашувни кузатиш мумкин бўлади. Феъл туркуми саналадиган бу сўз шакллари кичик- кичик парадигмалардан ташкил топган системадир. Масалан, феълнинг замон шакллари ҳосил қилувчи парадигмалар. Маълумки, ўзбек тилшунослигида уч хил замон шакллари мавжуд. **Замон категорияси ҳаракат бажарилишига боғлиқ вақт, пайтни акс эттиради. Улар ўтган, ҳозирги ва келаси замон шак-лида бўлади:**

-ўтган замон феъллари ҳаракатнинг нутқ моментида аввал бажарилганлигини кўрсатади: ўқиди, ёзган, борибди;

-ҳозирги замон феъллари ҳаракатнинг нутқ моменти билан бир вақтда кечаётганлигини ифодалайди: келяпти, ишлаётир;

-келаси замон феъллари ҳаракатнинг нутқ моментида кейин бажарилишини акс эттиради: тайёрланмокчи, гапирар;¹

Сўзловчи нутқида пайт муносабати ифодаланади. Рўй берган ёки ҳали воқеаланмаган ҳаракат, ҳолат турли хил алоҳида – алоҳида белгиларга эга бўлади.

Туни билан ёққан ёмғирлар

Ювиб ўтди тонглар изини.

Мен изладим, ўзим учун сир,

Бўлган бахтнинг ёруғ изини

(З. Мирзо)

Бандда ҳаракат нутқ сўзланиб турган вақтдан олдин рўй берган ҳодиса саналади. Нутқий вазия учун энг тўғри ифода ўтган замон феълларининг танланганлигидир. Демак, нутқий ифода соф ва аниқ бўлиши учун мазмунга хос ифода усули (сўз шакли) танланиши керак.

¹ А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.; «Янги аср авлоди» 2001 йил 110-111 бетлар

*У келса,
адашиб гуллаб юборар
айни қаҳратонда ёлғиз бодомлар.
Бир хушбўй нафасдан
Гуркираб борар
Тор ва зах қафасда юрган одамлар
(З. Мирзо)*

Банднинг мазмуний мундарижаси, ҳали воқеланмаган ҳолатнинг нутқ сўзланиб турган вақтдан кейин рўй беришини англатган. Шунинг учун, келаси замон шакллари қўлланилган бўлиб, бу ифодани тўғри бўлишига ёрдам берган.

Феълнинг замон маъносини ифодаловчи шакллар ҳамма вақт ҳам ўз ўрнида қўлланилмайди. Замон шаклларини ҳосил қилувчи шакллар бири-бирини ўрнида қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда феъл замон маъноси билан бирга кўплаб функционал маъноларга ҳам эга бўлади. Бир парадигмани ҳосил қилувчи феълнинг замон шакллари вақтни, пайтни англатиши билан интеграл (бирлаштирувчи) белгига эга бўлса, қайси вақтни англатишига кўра дифференцианал (фарқловчи) белгиларга эга бўлади.

Ўзбек шоираси Зулфия ижодига мансуб бўлган қуйидаги мисраларни таҳлил қиламиз.

*Олча гули баргидай,
Ўйнаб учиб ёғар қор...
Ажаб, қорга қарайман,
Кўзимда яшнар баҳор.*

Ёғар қор, яшнар баҳор бирликларига эътибор қаратсак, феъл шаклдаги сўз ёғар ва яшнар. Феълнинг муносабат шакллари модаллик, замон ва шахс-сон маъноларини ифодалайди. Бу маънолар алоҳида-алоҳида шакллар ёрдамида ҳам, ёки бир шаклнинг ўзи ҳар учаласига хос белгига эга бўлиши мумкинлиги фанда маълум. Ёғар ва яшнар – хабар майлида, III шахс-сон

шаклида ва келаси замонни ифодалайди. Банддан тушиниладиган маъно эса келаси замонда эмас, ҳозирга замонда рўй берган ҳолатни ифода этади. *Ўйнаб, учиб қор ёғяпти, Кўзимда баҳор яшнаяпти.* Демак, бандда англашилган мазмун билан ифодада ўзгачалик бор. Тўғри вазн талаби билан ижодкор шу ифода шаклини танлаган, лекин тилнинг эмоционаллигига ҳам таъсирин кўрсатган. Келаси замон шаклидаги феълдан, ҳозирги замон шаклидаги феъл англатадиган мазмун-моҳият тушунилар экан, бу замон шакллариининг фарқловчи белгиларини ёқотиб, мўътадаиллашаётганидан дарак беради. Яна шундай мисралардан бири

*Нурга тўлиб тонг отди ҳур ўлкамда,
Минг-минг гунча лаб очди зўр гулшанда.
Майса узра шабнамлар –
Шеърдай қайноқ шод дамлар,
Яшнаб чорлар.*

Банддаги мисраларни алоҳида –алоҳида таҳлил қиламиз. *Ҳур ўлкамда нурга тўлиб тонг отди*- ўтган замон, *минг-минг гунча зўр гулшанда лаб очди* - ўтган, *майса узра шабнамлар бор*- ҳозирги замон, *Бу шод дамлар шеърдай қайноқ*- ҳозирги замон, *яшнаб чорлар (чорламоқда)* бу мисра ҳам ҳозирги замон шаклини ифодалайди. Гарчан оҳирги мисра келаси замон шаклида бўлса ҳам, ҳозирги замон маъносини ифодалаган.

*Гулнинг овозини эшитгим келар,
Ёмғирнинг тушини кўргим келади.
Япроққа айланиб, Одам тилида
Сен билан гаплашгим келар, Худойим*

(Зебо Мирзо)

Банд мисраларида ифодаланган мазмунни қайси пайтга даҳлдорлигини англашда бироз чалкашлик мавжуддир. Чунки биринчи мисрадаги феъл келаси замон шаклида. Иккинчи мисра ўтган замон шаклида, тўртинчи мисра эса келаси замон шаклида. Аслида бу ҳол вазн талаби билан шу шаклларда қўлланилган. Маълумки, бармоқ шеър тизими мисрадаги

бўғинларнинг миқдорига асосланади. Ўн бир бўғинли мисралардан тузилган шеър вазн талаби билан шу шаклни олган. Фақатгина вазн талабига кўра деб бўлмайди, албатта. Шеърнинг мазмуний мундарижасига кўра воқелик ўтган замонда рўй бераган. *Гулнинг овозини эшитгим келади, Сен билан гаплашгим келади, Худойим, (рўй бермаган ҳодиса бўлсада, бу ҳол лирик қаҳрамон томонидан ҳис қилиб бўлинган.)* мисралардаўтган замон маъноси англашилади. Ўтган замондаги сўз шакли ўрнида келаси замондаги сўз шаклининг қўлланилишида ижодкорнинг ижодий нияти учун маъқул йўл. Банддаги ҳодиса ўтган замонда рўй берган (ҳис қилинган) бўлсада, у абстракт ҳодиса саналади. Чунки гулнинг овозини эшитиб, ёмғирнинг тушини кўриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоира шеър мисраларини келаси замон шаклидаги феъллар билан белгилайди. Бу шакл ҳодисаси ижодкорнинг ижодий нияти учун маъқул усулдир.


*Юзимни тупроққа босаман, во- я,
Заҳарлар ичилган,
Орлар кечилган.
Кўнгил горат бўлган заминга ўхшар,
Қандай чидаш мумкин бу қабоҳатга
Юрагимни қора илонлар чақар,
Чаён малҳам қўяр кўр жароҳатга*

(Зебо Мирзо)

Банддаги мисраларда ҳам ўтган ва келаси замон шакллари аралаш келтирилган. Бандда келаси замон шаклидаги феъл мавжуд бўлган мисраларни ажратсак, *Кўнгил горат бўлган замонга ўхшар, Юрагимни қора илонлар чақар, Чаён малҳам қўяр кўр жароҳатга.* Бу мисралар асосан ўтган замон шаклидаги феъллардан кейин ўринлашган. **Заҳарлар ичилган** – ўтган замон, **орлар кечилган** – ўтган замон. Банд эркин шеър шаклида. Демак, вазн талаби бундан мустасно ҳолат. Аслида мисралардан ўтган замон маъноси тушунилади. *Заминга ўхшар* (ўхшайди), *илонлар чақар* (чақади) ва *малҳам қўяр* (қўяди). Келаси замон шаклидаги феъл бутунлай ўтган замон маъносини

ифодаламайди, балки ўз ўрнида ҳам маъно жилосига эга. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари ҳис этилгандан кейин илон чақар, чаён малҳам кўяр. Демак, лирик қаҳрамоннинг кечинмаси, дарди давомли, шунинг учун ҳам у келаси замон шаклидаги феълни келтиради. Агар мисралардаги феълларнинг барчаси ўтган замон шаклида келтирилса, лирик қаҳрамон кечинмалари бўлиб ўтиб кетган, ҳис этиб бўлинган дардни англатар эди. Лирик қаҳрамон руҳиятидаги қийинчиликлар шу қадар бисёрки, уни қайта-қайта илон чақаверади. Халқимизда чаёндан ҳам саломатлик учун фойдаланилади. Ижодкор ҳам илон заҳри чақилгандан кейин, жароҳатга чаёни малҳам қўйишини таъкидлайди, лекин кўр жароҳатга. Жароҳатнинг сўкири бўлмайди. Лирик қаҳрамон жароҳати юракда, қалбда бу жароҳатни кўриб бўлмайди, аксинча ҳис қлиш мумкин холос. Малумки, чаён дард бор жойни ўзи топиб даволаш хусусиятига эга. Қалб жароҳатини чаён ҳам топиб, даволай олмайди. У фақатгина озор бериши мумкин. Бу озорлик ҳам қайта-қайта воқеланади. Шунинг учун ҳам ижодкор шу мисраларда келаси замон шаклидаги феъллардан фойдаланади. Лирик қаҳрамон кечинмаларини шиддаткор куч билан тасвирлаш мақсадида, ўтган замон шаклидаги сўз ўрнида келаси замон маъносидаги сўзни қўллайди. Бу жараён мисранинг ҳиссий таъсирини бир неча поғона оширади. Бу ҳодисани қуйидаги диаграмма орқали тасвирлашни лозим топдим.

- Мисрадан дастлаб ўтган замон маъноси тушунилади;
- Келаси замон маъноси ҳам тушунилиши мумкин;
- Аралаш маъно- мисра мазмуни давомли, поғонали бўлиб, ўсиб боради;



Ёмғир ёғар,
 Нурлар ёмғири,
 Кулиб, йиғлаб очилади кун.
 Юрагингни қийнар шиқ сири,
 Деразага қарайсан маҳзун.
 Чўмилади дарахтлар барги
 Майнинг майин ёмғирларида.
 Оқиб кетар дилларнинг занги
 Шаффоф кўзёшларнинг бағрида.

(Зебо Мирзо)

Бандда юқоридаги мисрага ўхшаш ҳолат. Бу бандда ҳам замон шакллари аралаш: ўтган ва келаси замон.

Кулиб, йиғлаб очилади кун.
 ... Чўмилади дарахтлар барги

Шу мисралар ўтган замон шаклидаги сўз билан ифодаланган. Қолган барча мисралардаги феъл шакли келаси замонда. Нега замон шакллари турли хил?

Бунинг ўзига хос эстетик таъсири бор, албатта. Бу ҳиссий таъсир кечинма эгасининг руҳий олами, қалб изтироблари, у билан боғлиқ бўлган бирор бир ҳодиса билан боғлиқ. Аввало, банддаги образларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бандда, асосан, ошиқ образи ва унинг руҳий олами билан боғлиқ бўлган тимсоллар мавжуд. Ошиқ (лирик қаҳрамон) ўз кечинмаларини табиат ҳодисаларига қиёслайди, ўхшатади. Банд ёмғир тасвири билан бошланади. Ёмғирнинг ёғиши, бу ёмғир оддий ёмғир эмас нурлар ёмғиридир. Кулиб, йиғлаб кун очилади. Ёмғирли вақтда йиғлаб, қуёш чиққач, кулиб очилади. Инсоннинг умри яхши ва ёмон кунларнинг умумлашмасидан иборат бўлади. Бу табиат билан боғлиқ ҳодиса айти шунга ишорадир. Шундай вақтда, яхши –ёмон кунларда ошиқнинг юрагини бир дард, ишқ дарди қийнайди. Ёмғир ёғиши билан дарахтларнинг барги чўмилади, покланади. Чанг-ғубордан ҳоли бўлади. Ошиқнинг дилидаги занг эса кўзёш билан ювилади. Табиат билан инсоннинг ҳолатидаги уйғунлик. Бундан ташқари ёмғир май ойида, яъни баҳорда ёғмоқда. Баҳор – фақатгина шодлик ва бахт улашувчи фаслдир. Ошиқнинг ишқ изтироблари шу қадар кучлики, баҳорда у ҳамон қийноқда. Банд бундан ташқари тасаввуфий ҳарактерга ҳам эгадир. Май тасаввуфда иймон рамзидир. Майнинг ёмғири дейилганда, иймон, Яратганга бўлган ишқ зарраларини ҳам тушуниш мумкин. Яна лирик қаҳрамоннинг ҳаётида ёмғир билан боғлиқ бўлган бирор ҳодиса ҳам рўй берган. Чунки ёмғирли кунда унинг ишқи дарди кучайган. Банд мазмунининг шаклланишига ҳизмат қилган тил белгиларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Юқорида таъкидланганидек, бандда ҳам ўтган, ҳам келаси замон шакллари қўлланилган. Ёмғир ёққандан кейин, ошиқнинг дарди кучайганми? Йўқ, албатта. Ишқ дарди ёмғир ёғаётган вақтда кучайган. Аслида, мазмунан банд ҳозирги замон маъносини англатади. Шу мазмун мундарижасига қараб, тил белгиларини қайтадан ўринлаштирамиз.

Ёмғир ёғмоқда,

Нурлар ёмғири,

Кулиб, йиғлаб очилмоқда кун.

*Юрагимни қийнамоқда ишқ сири,
Деразага қараяпман маҳзун.
Чўмилмоқди дарахтлар барги
Майнинг майин ёмғирларида.
Оқиб кетмоқда дилларнинг занги
Шаффоф кўзёшларнинг бағрида.*

(Зебо Мирзо)

Кўриниб турибдики, банддаги мазмун шакл билан номутаносиб тушган. Мисралардан англашиладиган мазмун ҳозирги замонни ифода этади. Демак, келаси ва ўтган замон ақллари ҳозирги замон сўз шакли ўрнида қўлланилган. Лирик қаҳрамон руҳий оламидаги ҳис-туйғу учун энг муқобил шаклни танлай билиш ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай шакл ортида нотик руҳий оламидаги маълум бир чизгилар ётади. Ҳар қайси банд таҳлилида шахснинг бутун борлиққа, шахсга, ўз-ўзига бўлган муносабатига қараб сўз шакллариининг маъноси турлича жиловланади. Бу маъно жилоси ижодкорнинг ижодий нияти билан ҳам турличаликка эга бўлади. Масалан, ўтган замонда рўй берган бирор ҳодисани ўқувчининг кўз ўнгида ёрқинроқ тасвирлаш учун ҳозирги замон феъли қўлланилади. Бадиий матннинг экспрессив таъсири учун бу қулай восита ҳисобланади. Масалан, куйидаги матнни таҳлилга тортамыз. *Изма-из, қорама-қора, гўрларни айланиб боришмоқда. Тун осуда, қуриб хасга айланган шўра, каврак, янтоқларнинг шитир-шитири кулоққа қумдек қуюлади (Анвар Муқимов).* Матнда ўқувчининг кўз ўнгида воқеликни ёрқинроқ тасвирлаш учун ўтган замон шакли ўрнида ҳозирги замон шакли қўлланилган. Аслида жумла, *Изма-из, қорама-қора, гўрларни айланиб боришди* шаклида бўлиши керак. Ҳарикки жумла ўртасидаги маъно нозикликларига эътибор қаратиш керак.

1- гапдан англашиладиган барча маънолар;

а) кимдир таъқиб этилмоқда;

б) таъқиб этаётган инсонлар бир неча киши;

в) кимларнингдир кимгадир салбийми, ёки ижобийми муносабати мавжуд;

г) таъқиб этаётган инсонлар довюрак;

Иккинчи гапдаги феъл шакли ўтган замон шаклини олганда ҳам шу хил маъноларнинг барчаси сақланади. Фақатгина замон маъносидан ташқари, албатта. **д) нутқ сўзланиб турган моментдан олдин, яъни илгари таъқиб этишган;**

Аслида гап ўтган замон шаклидаги белгини олиши керак. Чунки матн таркибидаги кейинги гап айнан шу шаклда. Маълумки, матн таркибидаги ҳар бир жумла ҳам грамматик, ҳам мантиқан ўзаро боғланиш ҳосил қилиши керак. Шубҳасиз, нима учун деган савол туғилади? Муаллиф ижодий ниятига қараб сўз шаклини танлаган. Айтиш мумкинки, ҳар қандай лингвистик белгида шахс психикаси ётади. Бадий матнни ўқувчининг кўз ўнгида, айти мутолаа жараёнида бўлиб ўтгандек қилиб тасвирлаш, матннинг таъсирини кучайтириш, матннинг кейинги қисмлари билан танишишга истак уйғотиш каби бир қанча мақсадларни ўйлаб, шу шаклни танлаган. Яна шу типдаги куйидаги парчани ҳам таҳлилга тортамыз. *Энди бош қўтарган бобоқўёш навқирон танимга илиқ нурларини сочади. Отлар бир маромда йўртиб бормоқда. Аҳён-аҳёнда жиловни қимирлатиб қўяман, шунинг ўзи фаросатли ҳайвонларга кифоя – имиллаш йўқ. Намунча эсли бўлмаса булар? - дейман ўзимга ўзим. - Худди вазифадан бохабардек! Тавба... (Улуғбек Ҳамдам).* Матнда ҳам ўтган, ҳозирги замон шаклидаги сўз мавжуд. Уларнинг ҳар бирини контекстдан ажратиб, қайси замон шаклида эканлигини аниқлаб оламиз.

Сўз шакллар	Замон маъноси
<i>Сочади</i>	ўтган
<i>Бормоқда</i>	ҳозирги
<i>қимирлатиб қўяман</i>	ҳозирги
<i>Кифоядир</i>	ҳозирги
<i>Дейман</i>	ҳозирги

Кўриниб турибдики, бир синтактик бутунликдан ташқари матндаги барча гаплардаги придикатив бирлик вазифасидаги феъл ҳозирги замон шаклида. Матнда аслида, қайси пайтда содир бўлган ҳодиса англашилади? Матн ровий тилидан ҳикоя қилинмоқда. Ижодкор ҳис этиб бўлган ҳолатни тасвирлаган. Ўйлаб қараганда, матннинг мазмуни бутунлигича ўтган замонга тегишли бўлади. Ижодкорнинг бадиий нияти асардаги воқелик мутолаа қилинаётган вақтдагина содир бўлаётгандек қилиб тасвирлаб бериш. Китобхонга ойнадек равшан кўрсатиш, ҳис қилдириш. Шунинг учун гарчан матндаги ҳодиса ижод жараёнларида ҳис этиб бўлинган, қайта ишланган бўлсада, ҳозиргидек, энди кечаётган кечинмадек тасвирлаш усули учун тил белгиларини алмаштириб қўллайди.


*Бу эшик жимгина очилавермас,
Бармогинг узатсанг йиғлар бу эшик.
Занг илгак сурилса чўздек бир савол
Юракка санчилар қўкракни тешиб:
Қаерда юрибсан, Эгамнинг ўғли?...*

(Муҳаммад Юсуф)

Бу бандда ҳам юқоридаги каби ҳолат кўзга ташланади. Мисралардаги феъл шакли синтагма таркибидан ажратилганда келаси замонни, унинг таркибида ўтган замон маъносига эга бўлади. Ҳаттоки, охириги мисрадаги ҳозирги замон маъносидаги феъл ҳам ўтган замон маъносига тегишли. Сўнги мисранинг маъно мундарижасини белгилаймиз. *Қаерда юрибсан, Эгамнинг ўғли?...* Мисра икки хил маънога эга. Бу маъно нозикликлари, албатта, феълнинг замон шакллари билан боғлиқ. Бир шаклда икки хил замон маъносига эга бўлган жумла англашилади. Аслини олиб қараганда, ҳар қандай нутқий ифода инсоннинг тафаккури, дунё қараши, психик ҳолати каби шахснинг ўзигагина хос бўлган индивидуалликнинг натижаси деб баҳолаш мумкин. Бу жумланинг мазмуни қуйидаги чизма асосида тўлиқроқ қнглашилади.

Биринчи

маъно: Ҳозирги замон шакли шу замон маъноси, сўраш, таъкидлаш, буйруқ каби қўшимча маъно оттенкаларига эга.

**Иккинчи маъно:**

Ўтган замон маъноси, (Ҳозир йўқ, қаергадир кетган) ачиниш, истак-ҳоҳиш каби қўшимча маъно оттенкаларига эга.

Биргина мисрадан англашиладиган мазмунда турличаликни кўриш мумкин бўлади. Мисранинг қайси шаклда, қандай мазмундалигини аниқлаш учун шеърнинг барча бандларини таҳлил қила билиш, мисралар қатиги яширинган маъно қирраларини топа олиш керак. Аслида, шеър “Эгасиз уй” деб номланган. Ўз ота уйини ташлаб кетган инсон образига лирик қаҳрамон мурожаат қилади. Шеър бандларининг умумлашган мазмуни мисранинг иккинчи маъносини тарозининг оғирроқ палласига қўйилишини талаб қилади. Ҳаммавақт ҳам шакл ва маъно муносиб тушмайди, номутаносиблик қайсидир кечинманинг турлича жилов беришини таъминлайди. **Демак, алоҳида сўз шакл ва синтагма таркибидаги шакл ўртасида, бир синтагма таркибидаги шакл ва бошқа синтагма таркибидаги шакллар ўртасида боғлиқлик бўлиш билан бирга, фарқли нукталар ҳам бўлади. Лекин уларнинг ҳар бири бир-бирини тақазо этадиган белгилар саналади.** Морфологик шаклсиз синтактик бирликни, синтактик бирликларсиз матнни ҳосил қилиб бўлмайди. Morfologik kategoriyalar bilan Sintaktik Kategoriyalar oʻrtasida uzviy aloqa mavjud. Ular oʻrtasidagi munosabat pogʻonali sanaladi. SKlar MKlar negizida hosil boʻladi. Lekin ular bir-biriga teng emas. Xususan, sintaktik zamon kategoriyasi morfologik zamon kategoriyasi negizida hosil boʻlsa ham, lekin ular oʻzaro teng emas, sintaktik zamon kategoriyasi kengroq va ifodalanishi xilma-xilroqdir¹.

¹Расулов И. Предикативлик ва моддалик ҳамда уларнинг ўзаро муносабатига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, 4-сон, 30-бет.

Тил назариясида белгининг турли макон ва замонда ҳар хил моддий ўзгаришларга учраши **инвариант** ва **вариант** тушунчаларининг пайдо бўлишига олиб келган¹ бўлса, морфологик шаклларда ҳам шу диалектик алоқа мавжуд бўлади. Чунки муайян бир товуш ёндош товушлар таъсирида, ёки сўзнинг қайси бўғинида келиши, сўзловчининг ҳудудга мансублигига кўра турлича талаффуз қилинади. Муайян товуш қанча талаффуз қилинса, шунча вариант ҳосил бўлади. Мана шу барча вариантларнинг умумлашмаси эса инвариант саналади. Масалан, *и* унлиси *қилиқ*, *қийиқ* сўзларида мавжудлигига қараб бир унли товуш ҳисоблаб бўлмайди, бир унлининг вариантлари деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг бир инвариант учун вариантлар эканлиги бир хил белгига эгалигини англатса, талаффузидаги чўзиқ ёки қисқалик бир-биридан фарқлайди. Морфологик шакллар ҳам яхлит ҳолда инвариант саналса, муайян нутқий шаройитда МШ ларнинг вариантлари ўринлашади. Бу вариантлар **умумий ва хусусий маъноларга** эга бўлади. Хусусий маъно деганда, МШ нинг контекстдаги турли хил омиллар таъсиридаги маъноси таъкидланмоқда. Асосан, нейтраллашув шу маъно таъсирида юзага чиқадиган ҳодисадир. Бугунги кунда коммуникация жараёнида тилни сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги амалий билимисиз, уни эътиборга олмасдан тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмаслиги ойдинлашиб қолди.²

Тил назариясида замон маъносига эга бўлган шакллар нутқда турли хил омиллар таъсирида ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб, ўзидан бошқа шаклнинг мазмунига эга бўлади, мўътадиллашади. Мўътадиллашув ҳодисаси сўз шакллари доирасида ҳам кузатилганлиги бу ҳодисани тилнинг барча сатҳларига тегишлилигини амалий исбот эта олади. Замон шакллари асосан, қандай омиллар таъсирида фарқловчи белгиларини йўқолади? Бу омилларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин.

- Бадиий матнларди ижодкор вазн талаби билан замон шаклларини аралаш ҳолда келтириш мумкин;

¹ А.Нурмонов. Танланган асарлар. 2-жилд. “Академнашр” 2012-й 93-бет ўзгартир

² А.Нурмонов. Танланган асарлар. 2-жилд. “Академнашр” 2012-й 93-бет

- Матнларнинг эстетик таъсирини кучайтириш учун ижодкор ўтган замон маъносида, келаси ёки ҳозирги замон шаклини танлайди;
- Бадиий матнда ифодаланган воқеликни ўқувчи кўз ўнгида ёрқинроқ гавдалантириш учун ўтган замон шакли ўрнида ҳозирги замон шакллари қўлланилади;
- Шахснинг руҳий ҳолати билан боғлиқ тарзда сўз шакллари алмаштирилади;
- Бадиий матннинг кейинги қисмлари билан танишишга истак уйғотиш учун ўтган замон маъноси ўрнида ҳозирги замон шаклидаги сўз қўлланилади;

Феълнинг категориал бирликлари қаторига шахс-сон шакллари ҳам киради. Шахс ва сон маъносини ифодалаш имконига эга бирликлар ўзбек тилида бир қанча бўлиб, улар ногомоген табиатлидир: шахс олмошлари, айрим майл кўрсаткичлари, кесимлик шакллари шулар жумласидандир.¹ Феълнинг сон категориясини ҳосил қилувчи бирликлар шу парадигманинг аъзолари саналади. Феълнинг сон шакллари ҳаракат ва ҳолат бажарувчисининг шахсини (мен, сен, у), миқдорини (бирлик, кўплик) аниқлаштиради. Шунга кўра бу парадигма аъзолари қуйидагича зиддиятлар тизимини ҳосил қилади: шахс маъносини ифодалашга кўра категория шакллари уч гуруҳга бирлашиб, ўзаро эквиолент, сон ифодалашда ҳам эквиолент зиддият юзага келади. О шакл бирлик ҳам, кўплик ҳам ифодаловчи шакл сифатида фақат бирлик ифодаловчилар билан бирлик ифодалаш, фақат кўплик ифодаловчилар билан кўплик ифодалаш белгисига кўра қисман (приватив) зиддият ҳосил қилади. Бунда О шакл ҳар икки зиддиятнинг ҳам кучсиз аъзоси бўлади.² Сон парадигмаси аъзолари зидланиши доимий саналмайди, мўътадиллашиши ҳам мумкин. Шахс-сон шакллари ҳосил қилувчи феъллардаги сон шакллари ҳам шахсга ҳамда

¹ А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 114-бет

² А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 116-бет

сонга ишора қилиши билан бир парадигмани хосил қилса, қайси шахсга қаратилганлиги билан бир-биридан фарқланади. Масалан, *Карим дарсга келди* гапида *келди* феъли учинчи шахс бирлик шаклида, яъни келган *У* дир.

“Шоирлик бунча ғалати... Бунчалик жумбоқ...

Йўлингда учраган нарсдан минглаб ҳайрат олиб кетаверасан... Масалан, бензин, керосин, гугуртчўп, ҳаттоки кўмирга ҳам ҳавас билан қарайман. Чунки улар фақат қарабгина қолмай яна инсон зотиға хизмат қилади...

Қандай оддий ва буюк қисмат...” (А.Қаюм) Матндаги *минглаб ҳайрат олиб кетаверасан* гапи II шахс бирлик сон шаклида берилган. Эътибор берилса, матндаги жумлалар I шахс, яъни ментилидан ҳикоя қилинади. Демак, *минглаб ҳайрат олиб кетавераман* шаклида бўлиши керак. *Улар...хизмат қилади* гапида кесим III шахс бирликда, эга эса III шахс кўпликдадир. Лекин эга билан кесимнинг шахс ҳамда сонда мослашмаслиги адабий меъёр саналади.

“Ё ном топасан, ё нон топасан” (А.Қаюм) Бу жумлада ҳам II шахсда қўлланилган феъл I шахс мазмунини англатади. Ижодкор (ҳар қандай инсон, аслида) ижод онларида ўзи билан ўзи мулоқотга киради. Ўзигагина боғлиқ бўлган кечинмага ўзидан жавоб қидиради, ёки ўз-ўзига баҳо беради. Сон шаклларининг нейтраллашувида айти шу ҳолат, шахснинг ўзи билан зиддияти бирламчи саналади.

*Ёмғир ёғар,
Нурлар ёмғири,
Кулиб, йиғлаб очилади кун.
Юрагингни қийнар ишқ сири,
Деразага қарайсан маҳзун.
Чўмилади дарахтлар барги
Майнинг майин ёмғирларида.
Оқиб кетар дилларнинг занги
Шаффоф кўзёшларнинг бағрида.*

(Зебо Мирзо)

Бандда ҳам кечинма эгасининг ўз-ўзига мурожаатини кўриш мумкин. *Юрагингни қийнар шиқ сири, Деразага қарайсан маҳзун* мисраларидаги сон шакл 3-2-шахсни англатади, яъни *сенни*. Кечинма лирик қаҳрамонга тегишли, агар унга тегишли бўлмаса, *ўзининг дилидаги зангларини ювиш учун шаффоф кўзёшларини тўкмаган* бўлар эди. Кечинма эгаси лирик қаҳрамоннинг ўзи. Нима учун у ўз кечинмаларини учинчи - иккинчи шахс сон шакллари билан ифодалайди? Аслида, *қийналяпман, қарайман шаклларида* бўлиши керак. Лирик қаҳрамон ўз ҳолатига четдан туриб баҳо бермоқда. Шунинг учун сон шакллари биринчи шахсда келтирмаган. Бундай шакл банддаги руҳий ҳолатнинг бор оғирлигини ошкора ифодалаш учун муносиб шакл бўлиб хизмат қилган.

*Қани боғишамол кезган елларинг,
Қирларда кеккайган қирғовуларинг,
Эслаб эзилмасму энди дилларинг,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..*

(М. Юсуф)

Бу бандда ҳам кечинма лирик қаҳрамонга тегишли. Мурожаат кимга? Албатта, халққа, барча Андижон халқига. Мисрадаги феълнинг сон шаклларига эътибор қаратилса, улар иккинчи шахс сон шаклларида келтирилгани маълум бўлади. Мурожаат, халққа, умумга қаратилган экан, сон шакллари ҳам *уларга*, кўплик шаклга эга бўлиши керак. Лекин шоир мисралардаги кўтаринкиликни, мисраларнинг эстетик завқини, таъсирини кучайтириш мақсадида *йиғламайсизлар* шакли ўрнида *йиғламайсан* шаклини келтиради. Ижодкор қалбидаги туғён шу шакл билан шунчаки жарангламасдан, бонг урилгандек бўлади. Яна шу асарнинг охириги бандида ҳам қизиқ ҳолат бор. Шоир асар сўнгида ўзига мурожаат қилади.

*Муҳаммад Юсуфинг шоир бўптимми?..
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?*

Аслида шакл бўпими эмас, бўлдимми деган шаклни олиши керак бўлади. Аммо шоир юқори сатрлардаги тоғдек баланд изтиробни, виқорни сақлаш учун ўзига мурожаатида ҳам биринчи шахс сон шаклини танламайди. Бунга ижодий ният ва кечинма эгаси руҳиятидаги зиддиятлар йўл қўймайди.

Севги бамисоли лолақизгалдоқ,

Тегинмай бўлмайди,

Тегсанг тўкилар.

Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...

Буни бир мену бир капалак билар. (М. Юсуф)

Мисралардаги сон шакллари адабий тил нормасида. Фақат сўнги мисра таҳлил қилиниши мумкин. Чунки шу мисрада турли мазмун бирликлари яширинган, наздимизда. Фел шакл ажратилганда унинг қайси шахс-сонга ишора қилаётгани равшанлашса, мисрадаги шахс-сон маъноси билан номуносивблик юзага чиққандек, гўё. *Билар – у билар 3-шахс бирлик*, контекстуал маъносига кўра *мен биламан – 1-шахс бирлик*, *капалак билади – 3-шахс бирлик*. Бундан ташқари, *капалак иккимиз биламиз – 1-шахс кўплик* маъноларига эга бўлади. Бир шаклда тўрт хил маъно уйғунлиги. Бундай қараш, асарнинг оҳангдошлигини ритмик-интонацион жиҳатдан сақлаш мақсадида танланган сўз шаклилигини тасдиқлаб туради. Аслида мисрада, инверсия ҳодисаси кузатилади. Мисрадаги маълумотни таъкидлаш учун шахс олмоши келтирилиб, унга монанд бўлган шаклга эга бўлган феъл туширилган. Бу шаклдаги феълни мантиқан идрок этиш мумкин. Албатта, бунга шу қатордаги тушурилган шакл билан интеграл белгига эга бўлган сўз шакли ҳам ёрдам берган. Шунини ёдда тутиш лозимки, бу хил типдаги матнларда нейтраллашув ҳодисаси кузатилади деб ҳисоблаб бўлмайди. Лекин инверсия ҳодисасини инкор этмаган ҳолда, ҳолат бажарувчиси бирдан ортиқ экан (Лирик қаҳрамон ва капалак) феъл шаклини ҳам кўпликда *биламиз* тарзида тушунишимиз ҳам мумкин бўлади. Ўқувчи ўзининг психик ҳолатига, асардан таъсирланиш доирасига қараб сўз шаклининг мазмунини чақади. Айни шу ҳолатда нейтраллашув юзага келади. Демак, бу жараёнда муаллиф

ва уқувчи ўртасидаги мулоқот вақтида юзага чиқувчи мазмуний бирлик етакчилик қилади. Контекстни англашда биринчи ўринда инсон психикаси туради. Мулоқот жараёнида юзага келган ҳар қандай фикрий мазмунни инкор этиб бўлмайди.

*“Мен ким,
Мен кимман?” - деб тақдир эшигин
Тинмай ураётган муҳаббат хайли.
Бир буюк ишқ учун дунёга келган,
Аммо Мажнунини топмаган Лайли.*

(Зебо Мирзо)

Шеър мисраларидаги образ бу- лирик қаҳрамоннинг ўзи. У ўз-ўзини сўрақламоқда, ўзининг ҳис-туйғу, кечинмаларини талмеҳ асосида ифодаламоқда. Мисрадаги феъл шакллари 3-шахсга у га тегишлидир. Ижодкор ўзига мурожаат қилар экан, шахс-сон маъносидаги сўз шакли ҳам биринчи шахс, бирлик сон маъносини англатади. Мисраларда шакл ва мазмун ассиметрияси юзага чиққан. Яна шундай мисралардан бири:

*Кўнглининг кўкидан бир энлик пастлаб,
Соясин ерларга солмаган бир гул.
Дилини...дилини Худога асраб,
Алдамчи ҳаёлга ўғирлатган гўл.*

*Зулм ва хўрликнинг довулларида
Умрини совуриб парво қилмаган.
Ҳар ғажур қошида минг бор ўлган-у,
Аммо ўлганини ўзи билмаган.*

Мисралардаги асосий образ лирик қаҳрамон ва унинг кечинмалари саналади. Асардаги феъл шакллари учинчи шахсга тегишлидир. Аслида шахс-сон маъносидаги сўз шакли биринчи шахс мазмунини англатади.

Лирик қаҳрамон ўз-ўзини четдан кузатади. Ҳудди ўзга инсонни тасвирлаётгандек ўз кечинмаларини ёзади. Бу ўзига хос эстетик завқ,

мисраларнинг ҳиссий таъсирини бир неча маротаба юқори чўққиларга кўтаради. Ижодкор айнан шунинг учун мисраларни белгилашди ўз кечинмаларини учинчи шахс сон шакллари билан ифодалайди.

Феълнинг шахс-сон маъноларини ҳосил қилувчи шакллар қуйидаги ҳолларда ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб мўътадиллашади.

- ижодкор кечинмаларини кўтаринки руҳда, баланд оҳангларда баён этиш учун (ижодий ният);
- нутқнинг экспрессив таъсирин ошириш мақсадида;
- ижодкор кечинмаларини ўзи таҳлил қилганда, яъни ўз-ўзига баҳо берганда;
- Контекстни англашда инсон психикаси билан боғлиқ ҳолда сон шакллари ўрин алмашади;

Шу каби қатор омиллар таъсирида шахс-сон маъносига эга бўлган шакллар мўътадиллашиши мумкин бўлади. Бу ҳодиса муайян нутқий вазиятдагина кузатилади. Шахс-сон шакллари бутунлай ўз мавқеини йўқотмасдан, турли омиллар натижасида нутқий шароитда мўътадиллашади.

3.2. Феълнинг инкор шакли мазмунида мўътадиллашув

Ўзбек тилшунослигида феълнинг инкор мазмуни шакли –ма аффикси билан ясалади. Келди- тасдиқ, келмади- инкор. Тилшуносликда бўлишли- бўлишсизлик маъносини ифодалашда гетероген табиатга эга тил бирликлари амал қилади. Морфологик кўрсаткичлардан ташқари *на, эмас* ёрдамчи сўзларини, *йўқ* сўзини кўрсатиш мумкин.

Қуйида бўлишли-бўлишсизлик (тасдиқ-инкор) ифодалаш хусусиятига категориал эга бўлган шаклларни таҳлил этиб ўтамиз. Бўлишлиликни О (а), бўлишсизликни -ма (б) категориад ифодалайди:

а) *Сиз куларсиз бу хитобий гапларни қўй деб,*

Аммо рости бир ҳикматни энди билдим мен (М.Юсуф).

б) *Севги, менга бўйлама, Мехринг билан сийлама (М.Юсуф).*

Ушбу формантлар бўлишли-бўлишсизликлик ифодалаш бўйича эквиолент зиддиятга кирипадилар.¹

Ўзбек тилида феълларнинг бўлишсизлик маъноси –ма аффикси ёрдамида ясалар экан. Инкор мазмуни ифодаловчи гаплар таркибида шу қўшимча, ёки бўлишсизлик мазмунини англтаувчи лексемалар (*йўқ, ҳеч ҳам, мумкин эмас, асло*) мавжуд бўлади. Матн таркибида –ма аффикси инкор мазмуннигина белгиси саналмасдан, балки нутқ эгасининг руҳий ҳолати, тафаккуридаги чизгиларни ранг-баранг қиёфаларда акслантиришга асос бўлади. Масалан шу аффиксоид ёрдамида қуйидаги мазмуний типларни белгилаш мумкин бўлади.

1.Бўлишсизлик маъноси : *Карим, китобни ўқима.*

3.Бўлишлилик маъноси: *Карим, китобни ўқимай қўйма.*

2.Инкор ва таъкид маъноси : *Карим, китобни ўқима?!*

а) бўлишлилик мазмунида таъкид: *Карим китобни ўқимай қўймади!*

4. Инкор мазмунда таажжубланиш (шахслараро муносабатда): *Карим китобни ўқима!*

¹А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т.: «Янги аср авлоди» 2001 йил 115- бет

Бадий матнларда инкор маъносини ифодаловчи шакл элементи шу каби услубий мазмун-моҳиятга эга экан.

Бадий матнларда тасдиқ шаклдаги феълдан инкор мазмун-моҳият, инкор шаклдаги феълдан эса тасдиқ маъноси англашилиши мумкун. Бу нутқ эгасига хос бўлган ҳолат саналади. Айрим ҳолларда бир оппозициянинг инкор аъзоси ўз мазмунини йўқотиб, ўзига яқин бўлган иккинчи оппозициянинг тасдиқ аъзоси билан бир семантик парадигмани ҳосил қилади. Бу вақтда инкор аъзо транспозитив ҳолатда қўлланган бўлади. Мазкур ҳодисаларни ҳам нейтраллашувнинг бир тури сифатида қаралиши мумкин.¹ Масалан қуйидаги матн имсолида бу ҳодисани кузатиш мукин бўлади.

Севги бамисоли лолақизгалдоқ,


Тегинмай бўлмайди, Тегсанг тўкилар.

(Муҳаммад Юсуф)

Мисралардаги фел шакллар бўлишлилик ва бўлишсизлик маъноларига эга. Шунга кўра шу маъноларни ифода этувчи сўз шакллари ўзгачароқ. Жумладан, бўлишсизлик формасига эга бўлган- *тегинмай бўлмайди* сўз шаклидан бўлишлилик маъноси англанади, яъни *тегиш керак* деган мазмун. Бўлишлилик шаклидаги *тегсанг тўкилар* сўз шаклидан эса англашилувчи мазмуний ифода *бўлишсизликни, яъни тегмаслик керак* мазмунини ифодалаган. Мисрада сўз шакли ўз белгисига мансуб бўлган мазмунни ифодаламай қарама-қарши мазмунга хос бўлган маънони ифода этган. Ижодкор мисрадаги ҳолат тасвирини оригинал дид билан, ҳайажонлантирадиган даражада баён қилиш учун уларни алмаштириб қўллаган. Бу ҳам лирик қаҳрамонга хос бўлган ижодий жараён усулларида бири саналади.

Маълумки, морфологик шакл синтаксема учун қурилиш материали саналади. Умуман тил сатҳларида поғонали муносабат кузатилади. Синтаксема (гап) таркибида келган бўлишли феъл шакли ифодани тасдиқ

гапга, бўлишсиз шакл эса инкор мазмундаги гапга айлантиради, лекин риторик сўроқ гапларнинг кесими инкор шаклдаги феъл билан ифодаланса-да, тасдиқ маъноси тушунилиши, шу шаклдаги гаплардан англашиладиган мазмун, дарак гапдан англашиладиган мазмундан юқори деб белгиланиши фанда маълум. Бу назарий фикр қуйидаги чизма асосида тўлиқроқ тушунилади.



Демак, риторик сўроқ гап таркибида мавжуд бўлган феълнинг бўлишсиз формаси гап мазмунини жиловланиши учун хизмат қилади. Бу типдаги конструкциялар гарчан дарак мазмунини ифода этса-да, гапнинг таъсир доирасини белгилаш нуқтайи-назаридан уни дарак гап билан бир хилликка эга деб бўлмайди. Шоира зулфия ижодида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Шоира бир қатор шеърларида шу шаклдаги гаплардан фойдаланган.

Ким танимас бизнинг оналарни ?

¹ А.Нурмонов. Танланган асарлар. 2-жилд. “Академнашр” 2012-й 194-бет

Сиз қайда сезмайсиз иссиқ нафасин ?

Ўлчаб бўлармикан она меҳрини?

Тугатиб бўларми айтиб қиссасин?

Банддаги барча мисралар биз юқорида таъкидлаган риторик сўроқ гап шаклида. Шунининг учун мазмунан дарак гап қолипига ҳамоҳанг. Улардан англашиладиган маъно-чи? *Ким танимас бизнинг оналарни ?-Ҳамма бизнинг оналарни танийди, Сиз қайда сезмайсиз иссиқ нафасин ?-Сиз ҳамма жойда иссиқ нафасин сезасиз,Ўлчаб бўлармикан она меҳрини?- Она меҳрини ўлчаб бўлмайди, Тугатиб бўларми айтиб қиссасин?- Қиссасини айтиб тугатиб бўлмайди.* Бундай мазмун-моҳият феъл шакллари ёрдамида (феъл кесим) англашилмоқда. Дастлабки мисралардаги феъл инкор шаклда бўлса ҳам, тасдиқ маъноси, Кейинги мисраларда эса тасдиқ шаклидаги феълдан бўлишсизлик маъноси тушунилади. Лирик қаҳрамон мисраининг экспрессив таъсирини ошириш, ўз туйғуларини виқор билан баланд оҳангларда куйлаш мақсадида шу шаклларни белгилайди. Ҳар қайси тил элементи инсон руҳиятидаги ўзига ҳос томонларни ёритишга ҳизмат қила олади дейиш мумкин бўлади. Чунки бўлишлилик ва бўлишсизлик сўз шакллари худди шу назарий фикрни бериш учун муносиб далилдир.

Сенга бағишлайман

Кечаларимни,

Кунларимни сенга бераман...

Ҳузурингда бўлмоқлик учун

Осмонлардан юриб келаман!

Ишқ ёғдудир юракка оққан,

Қайдан билсин зулмат сочганлар?

(Зебо Мирзо)

Туйғу эгаси ўз ёри билан бирга бўлиш илинжида ҳамма нарсага тайёр. Унинг муҳаббати нур каби; сарҳад билмас, макон танламасдир. Бу муҳаббат шу қадар покки, уни ёмон одамлар кўра олмайди. Кимки зулмат сочувчи, ёмонлик қилишга қодир бўлса, бундай покиза муҳаббатни кўра олишдек

бахтдан мосуво. Шундай ажойиб мазмундаги бандда ҳам риторик сўроқ гап шаклидаги белги қўлланилган. *Қайдан билсин зулмат сочганлар?*-Зулмат сочганлар билмайди мазмунига эга мисра. Ҳар икки қолипдаги гап бир хил мазмуний ифодага эга бўлса ҳам, сўроқ шаклдаги гап маъноси услубий томондан олиб қараганда салмоқлироқдир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар иккисини алоҳида-алоҳида мазмуний тип деб қараш даркор бўлади. Сўроқ гап шаклидаги умумлашмада бўлишли феъл формаси мавжуд бўлсада, у инкор мазмунга эга экан.

*Не дей, асли асл ошиқ ҳас бўларкан,
Дил самодан баланд,
Ердан наст бўларкан.
Нима топдим юрагимни тошга уриб?
Ҳатто мор ҳам шиқ куйига маст бўларкан.*

(Зебо Мирзо)

Бу бандда кечинма риторик шаклдаги гап берилган. *Нима топдим юрагимни тошга уриб?*-Юраги тош бўлган сенга юрагимни уриб ҳеч нарса топмадим мазмунига эга бўлади. Сўроқ гап таркибида тасдиқ формада турган феъл шакл мазмуни инкор шаклни англатади. Тасдиқ шакли ўз ўрнини инкор шаклга бўшатади. Бу ҳам ижодкорнинг ранг-баранг туйғулари учун ҳамоҳанг шакл ҳодисаси ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, бўлишсиз феъл шакл формаси –ма аффикси ёрдамида ясалади. Бу аффиксоид фақатгина инкор мазмунга эга бўлмай, таъкид, ҳайратланиш мазмун-моҳиятига ҳам эга бўлади. Масалан, — *Эл-улус нима дейди?! Падаркуш демайдимми? Қонхўр, золим атамайдими номимни? Сўфи бобо руҳи тутмайдими мени? Азиз-авлиёлар юз ўғирмайдими?!(Олим Тошбоев)* Матнда инкор шаклда ифодаланаётган феъл, аслида — *Эл-улус нима дейди?! Падаркуш дейдимми? Қонхўр, золим атайдимми номимни? Сўфи бобо руҳи тутадими мени? Азиз-авлиёлар юз ўғирадимми?! -* қолипида бўлиши керак. Лекин бу мазмундан англашиладиган қўшимча услубий маъноларни тасдиқ шаклда ифодалаб бўлмайди. Матнда

бўлишлилик мазмунини инкор шаклда берилиши, матнда сўзловчининг руҳий кечинмасини, ҳис-ҳаяжонини таъкидлаб кўрсатишига ёрдам берган.

Шу омиллар таъсирида феълнинг инкор шаклини ҳосил қилувчи форма бошқа ёндош мазмунни ҳам ифодалаб, мўътадиллашади. Яна бир ҳодисага диққатни қаратиш лозимки, ўзбек тилида бўлишлилик шаклидаги (0 формага эга) феъл ҳам инкор мазмунни англатиши мумкин. Инкор мазмундаги лексемалар ёрдамида ифодаланиши мумкин бўлган инкор маъно тил грамматикасида ўз назарий асосини топган. Тилшунос олим А.Нурмонов сўзларни семантик ҳиҳатдан таснифлар экан, ораликдаги сўзлар синфига тасдиқ ва инкор сўзлар гуруҳини ҳам киритади.¹ Матн таркибида инкор сўзлар ва инкор шаклдаги феъл қатнашмаса ҳам, инкор мазмун ифодаланиши мумкин.

Жавон келган экан...Юринг...Кетдик...Тез!

Усиз одаммиз деб айтоламмизми?

— Севгилим, олислаб кетмайммизми биз,

Севгилим, орқага қайтоламмизми? (Усмон Азим)

Бу сатрларда ифодаланган мазмун шаклан тасдиқ сўз қолипида келтирилган бўлсада, мазмунан инкорни англатади. Ижодкор руҳий кечинмани диалогик нутқ шаклида ифодалаган. Жонли тилда har qadamda , har minutda uchrab turadigan tilning dialog formasi adabiyotda muhim tasvir quroliga aylangan.² Мисраларда бўлишли ҳамда бўлишсиз шаклдаги феъллар қўлланилган. Аслида бўлишли шаклдаги феъл инкор мазмунни, бўлишсиз шаклдаги феъл эса тасдиқ мазмунини англатади. Шеърдан англашиладиган мазмун, менимча, шу саналади. Шеърни биз таъкидлаётган шаклда тузамиз.

Жавон келган экан...Юринг...Кетдик...Тез!

Усиз (жовонсиз) одаммиз деб айтолмайммиз?

¹ А.Нурмонов. “Танланган асарлар. 3-жилд”. Академнашр, 2012 йил 189-б.

² Qo'shjonov M. Ijod saboqlari. Toshkent, 1973.

— Севгилим, олислаб *кетяпмиз* биз,

Севгилим, орқага *қайтолмаймиз*.

Асардаги мазмун ва шакл бир-бирига тил белгилари бўйича таҳлил қилинса, номувофикқа ўхшайди, лекин тасдиқ формадан инкор мазмунни, инкор формадан эса тасдиқ мазмунининг тушунилиши мисраларнинг бадиийлигини санъат даражасига кўтарган ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Чунки шеърнинг бадиий-эстетик таъсири тил белгиларининг алмаштириб келтирилиши натижасида юзага чиққан. Бу ҳодисани ҳам тилшунослик назариясида мўътадиллашув ҳодисаси сифатида баҳолаш мумкин. Инкор шаклдаги форма феълнинг модаллик шакллари орасида буйруқ *майлини* ифода этади. *Ўқи-ўқима* буйруқ майлидаги бири тасдиқ, бири инкор мазмундаги феъл. Инкор шаклдаги феъл бадиий матнларда вазн талаби билан, лирик қаҳрамоннинг ўз кечинмаларини қандай ифодалашни истаса, шу шаклни танлаш талаби билан буйруқ майлинигина эмас, истак мазмунни ҳам ифода этади. Буйруқ-истак майли –гин, -син аффикслари ёрдамида ясалганда ҳам буйруқни ҳам истакни ифодалаш мумкин. Масалан: *Китобингни вақтида ўқигин!*-буйруқ, *Китобингни вақтида ўқигин-а?-истак*. Бу аффикслардан ташқари, - ма бўлишсизлик шаклини ҳосил қилувчи аффиксоид ёрдамида ҳам истак мазмун ангилашилиши мумкин бўлади. Бу эса бўлишсизлик шаклини ясовчи аффиксоиднинг нейтрализацияси саналади.

Бир яшарсан икки дунё ҳам,

Безул ўлма, беафо ўлма.

Юрагингни еса ҳамки зам,

Бедил ўлма, беафо ўлма.

Бир гўзал ўл. Бир бор ўларсан.

Бир буюк ўл. Беасос ўлма.

Кеккайганга кеккайиб яша

Беғуруру беқасос ўлма.


Бу дунёнинг роҳатини топ,

Рухим, ўлма. Сен таним, ўлма.

*Ҳеч йўқ қилдек душманинг бўлсин,
 Бедўст ўлма, беғаним ўлма.
 Умид қилсанг, тупроқ остидан
 Кўзингни оч. Кўз очиқ ўлма.
 Гар жаннатни истаса руҳинг.
 Бешиқ ўлма, беошиқ ўлма!*

(Г.Асқарова)

Асардаги бўлишсиз шаклдаги феълларнинг барчаси ижодкор руҳий дунёсидаги истак семаси занжири асосида белгиланган.



Шу мисраларнинг барчаси истак мазмунини англатмоқда. Лекин, «*Рухим, ўлма. Сен таним, ўлма.*» мисраларида буйруқ мазмун ифодаланади. Чунки бу сатрларда ижодкор ўз-ўзига мурожаат қилмоқда. Шу мисрадан ташқари

асарнинг барча мисраларидаги инкор шакл белгиси бўлишсизликни ифодалаш билан бирга истак мазмунига ҳам эга бўлади.

Феълнинг бўлишли ва бўлишсизлик шакл формаси муайян вазиятларда ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб мўътадиллашади. Бу шаклни мўътадиллаштирувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бадий матннинг таъсирини кучайтириш учун;
- бадий матндаги кечинмани ёрқин ифода этиш учун;
- Шахс психикаси, уни ташқи омилларга турлича таъсири натижасида;
- Сўзловчининг руҳий кечинмалари;
- Инсоннинг ақл ва қалб ўртасидаги ўй-хаёлларнинг ҳамма вақт муносиб тушмаслиги;
- Шахснинг шахсис мавжуд бўлолмаслиги;

Шу каби қатор омиллар таъсирида феълларнинг бўлишли-бўлишсиз формаси мўътадиллашади.

Хулоса

Тил назариясида зидланишларнинг мўътадиллашуви бирча сатҳ бирликларига тегишлидир. Келтирилган назарий фикрлар ва таҳлиллар мўътадиллашув ҳодисасини морфологик сатҳ бирликлари доирасида ҳам кузатилиши мумкунлигини амалий жиҳатдан исботлайди. Морфологик сатҳ бирликлари турли хил омиллар таъсирида ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб мўътадиллашади. Морфологик сатҳ шакллари ўртасидаги зидланишлар доимий саналмайди. Асосан, сўз шаклларининг мўътадиллашуви қуйидаги омиллар таъсирида юзага чиқади.

- ✓ Муайян нутқий вазият
- ✓ Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги шахслараро муносабат;
- ✓ Сўзловчининг руҳий ҳолати;

Тилнинг морфологик сатҳ бирликлари орасида келишик парадигмаси мавжуд. Келишик парадигмасини ташкил этувчи тил элементлари бтр-бирларининг ўрнида келиб, фарқловчи белгиларини йўқотади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, кўпроқ қаратқич ва тушум келишиги шаклларининг ўрнида қўлланилган бош келишик шакли мавҳумийликни, умумийлик каби қўшимча маъно оттенкаларига эга бўлади. Бундай ифодаларда, асосан, ҳиссий таъсир этиш, даъватлаш кучли бўлади. Бундан ташқари бадий матнларда вазн талаби билан ҳам келишик шаклларини ҳосил қилувчи қўшимчалар туширилади. Лирик қаҳрамоннинг ижодий ниятига ҳамоҳанг шакл танланади. Бугунги кунда бадий матнларда аралаш қўлланилаётган келишик қўшимчалари ҳаммавақт ҳам тил адабий меъёрига тушмайди. Бу жараён АҳадҚаюм ижоди мисолидитаҳлилга тортилди. Бундай матнларда тил нормасидан оғиш, нутқий ғализлик кузатилади ва уларни мўътадиллашув деб ҳисоблаш нотўғри бўлади.

Отларнинг сон шакллари доирасида ҳам нейтраллашувнинг намуналарини кўриш мумкин. Отларга –лар қўшимчасини қўшиш ёрдамида кўплик, бунда ташқари, ҳурматлаш, умумийлик, маънонинг кучайиши каби мазмуний ифодаларга ҳам эга бўлади. Отнинг функционал формаларини

ясовчи шакллар эса ҳурматлаш, эркалаш, кичрайтириш билан бирга салбий баҳога эга бўлган пичинг мазмунини ҳам англатади. Албатта, бундай мазмуний мундарижа юқорида таъкидланган омиллар таъсирида юзага чиқади.

Мустақил сўзлар ўрнида қўлланилувчи олмош туркуми шакллари, асосан, кишилик олмошлари нутқий вазиятга қараб ўрин алмашади. Биринчи шахс кишилик олмоши ўрнида, биринчи шахс кўплик олмоши қўлланилиши мумкин. Бундай қолипдаги жумлаларда қуйидаги услубий ҳосланганлик кузатилади.

- ✓ Ўзини камтарин тутишга уриниш;
- ✓ Киноя қилиш;

Иккинчи шахс бирлик олмоши ҳам *мен* ўрнида келиб, сўзловчининг ўз-ўзига бўлган муносабатини англатади. Яна бадий матнларда китобхон диққатини лирик қаҳрамон ўзига жалб қилиш мақсадида, ўз кечинмаларини бировникидек, ўзга инсонникидек қилиб тасвирлаш учун ишлатилади.

Демак, биринси шахс кўплик олмоши *биз*, иккинчи шахс бирлик олмоши *сен* биринчи шахс *мен* кишилик олмоши ўрнида келиб, унинг маъносига қўчиб, доимий зидланиш белгисини йўқотади.

Кишилик олмошлари ўрнида келувчи от туркумига оид сўзлар каторидаги *банда* сўзи фақатгина *мен* кишилик олмоши ўрнида эмас *сен ва сиз* олмошлари ўрнида ҳам қўлланилиши мумкин яъни мўътадиллашади.

Феъл шакллари доирасида ҳам мўътадиллашув ҳодисасини кузатиш мумкин. Феълнинг шахс-сон маъноларини ҳосил қилувчи шакллар қуйидаги ҳолларда ўз фарқловчи белгиларини йўқотиб мўътадиллашади.

- ижодкор кечинмаларини кўтаринки руҳда, баланд оҳангларда баён этиш учун (ижодий ният);
- нутқнинг экспрессив таъсирин ошириш мақсадида;
- ижодкор кечинмаларини ўзи таҳлил қилганда, яъни ўз-ўзига баҳо берганда;

- Контекстни англашда инсон психикаси билан боғлиқ ҳолда сон шакллари ўрин алмашади;

Шу каби қатор омиллар таъсирида шахс-сон маъносига эга бўлган шакллар мўътадиллашиши мумкин бўлади. Бу ҳодиса муайян нутқий вазиятдагина кузатилади. Шахс-сон шакллари бутунлай ўз мавқеини йўқотмасдан, турли омиллар натижасида нутқий шароитда мўътадиллашади.

Феълнинг бўлишли ва бўлишсизлик шакл формаси муайян вазиятларда ўз фарқловчи белгиларини йўқотиши мумкин. Бу шаклни мўътадиллаштирувчи омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- бадий матннинг таъсирини кучайтириш учун;
- бадий матндаги кечинмани ёрқин ифода этиш учун;
- Шахс психикаси, уни ташқи омилларга турлича таъсири натижасида;
- Сўзловчининг руҳий кечинмалари;
- Инсоннинг ақл ва қалб ўртасидаги ўй-ҳаёлларнинг ҳамма вақт муносиб тушмаслиги;
- Шахснинг шахссис мавжуд бўлолмаслиги;

Шу каби қатор омиллар таъсирида феълларнинг бўлишли-бўлишсиз формаси мўътадиллашади.

Таҳлиллар натижаси ўлароқ, сўз шаклларининг маъно фарқланишига кўра зидланиши доимий эмас. Сўз шакллари мўътадиллашиб, турли хил моҳият касб этади.

Демак, тил назариясида муҳимлик касб этувчи зидланиш ва у билан боғлиқ мўътадиллашув барча сатҳ бирликларига хосдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т:; «Маънавият» 2008 йил
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т:; “Ўзбекистон” 2003 йил
- 3.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т:; “Ўзбекстон” 1995 йил

II. Илмий адабиётлар

1. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Тарихий морфология. Исмлар. Самарқанд, 2003.
2. Маҳмудов Н. Тил.»Ёзувчи» 1998 йил
3. Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. “Академнашр” 2012-й
4. Нурмонов А. “Танланган асарлар. 3-жилд”. Академнашр, 2012 йил
5. Нурмонов А, Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси Т. Фан 2008 й
6. Нурмонов А, Шаҳобиддинова Ш, Искандарова Ш, Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т:; «Янги аср авлоди» 2001 йил
7. Нурмонова Д. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўтадиллашуви (монография) Т.: 1998 й
8. Quronov D. Адабиётшуносликка кириш . Toshkent 2004 –йил
9. Qo'shjonov M. Ijod saboqlari.Toshkent, 1973.
- 10.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Рус тили”, Москва 1981-й

III. Бадий адабиётлар

- 1.Абдуқаюм Йўлдош. Пуанкаре. Тошкент, “Академнашр” 2014 йил
2. Аҳад Қаюм. Яна соғиндим, яна. Тошкент, “Юрист медиа маркази” 2013 йил
3. Эркин Воҳидов. Сайланма. 1- 2 жилд. Ишқ савдоси. Тошкент, «Шарқ» 2001 йил

4. Guljamol Asqarova. Dil Fasli. Toshkent, «Cho'lpon» 1998 yil
5. Мухаммад Юсуф. Сайланма. Тошкент, «Шарқ» 2014 йил
6. Зебо Мирзо. Ишқ. Тошкент, «Академнашр» 2011 йил
7. Усмон Азим. Сайланма. «Шарқ» Тошкент 1995 йил
8. Ўткир Ҳошимов. Ҳикоялар. «Адабиёт ва санъат нашриёти». Тошкент, 2002 йил

IV. Даврий нашрлар

1. А.Ҳожиев. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти 1978, 1-сон
2. Анвар Муқимов. «Не кўйларга тушдим мано...» «Шарқ юлдузи» журналі 1992 йил 7-сон
3. Д.Худойберганава. Ўзбек тилшунослигида матннинг антропоцентрик талқини. Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, 1-сон
4. И. Расулов. Предикативлик ва моддалик ҳамда уларнинг ўзаро муносабатига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1972, 4-сон
5. Олим Тошбоев. Киприк сояси Шарқ юлдузи» журналі, 1992 йил 7-сон
6. Ш.Содиқова. Аффиксоидлар ёрдамида ҳурмат маъносинининг ифодаланиши. Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, 2-сон

V. Интернет сайтлари

www.google.Uz

www.kh-davron.uz

file:///localhost/D:/кутубхона/Adabiyotlar

www.ziyo.uz.comkutubxonasi